O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 10 июль, жума № 28 (2311). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 10 июля, 2009 год, № 28 (2311). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТУБДАН ЎЗГАРМОҚДА, УЛАРДА БЎЛҒУСИ ОФИЦЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИГАН, ПРИНЦИПИАЛ ЖИҲАТДАН МУТЛАҚО ЯНГИ БЎЛГАН ЎҚУВ-ТЕХНИК ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 33 645 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 8 июль



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Сарҳадингда ҳушёр, сергакмиз ҳар он!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июль куни Оқсаройда Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон–Испания муносабатлари ривожланиб бораётганини, жорий йил май ойида Мадридда Қирол Хуан Карлос билан учрашув чоғида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилганини таъкидлади.

– Ташрифингиз Ўзбекистонда Испания, Испанияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга интилиш кучли эканидан ёрқин далолатдир, – деди Ислом Каримов.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Испания ҳам мамлакатимиз билан муносабатларни юксак қадрлайди ва Ўзбекистонга Марказий Осиёнинг етакчи давлати сифатида қарайди.

Ўзбекистон ва Испания халқларининг алоқалари узоқ тарихга эга эканини таъкидлаш жоиз. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо элчи бўлган. Соҳибқирон эса Муҳаммад ал-Қозийни Испанияга элчи этиб тайинлаган. Бир неча асрлик маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар бугун замон руҳида янгича асосда ривожланмоқда.

Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Парламентлар, омбудсманлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилишини қайд этиш ўринлидир. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Central Asia», «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон–Испания қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озиқ-овқат саноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 2 июль куни Наманган вилоятида бўлди.

Наманган вилояти мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган минтақалардандир. Наманган аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 10,7 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Бу йил вилоятда 79 минг гектар майдонга ғалла, 86 минг гектардан зиёд ерга пахта экилди. Вилоятдаги етти минтақа яқин фермер хўжалиги пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш билан шуғулланади.

Бугунгача вилоятнинг беш тумани давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Умумий ғалла майдонининг 65,4 фоизидаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ғалладан бўшаган майдонларни сомондан тозалаш ва пешма-пеш шудгорлаш ишлари изчил давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

4 ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

МАҚСАД – ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

6 ШАГИ ВОЕННОЙ РЕФОРМЫ

«ПОЛЕ БОЯ» – МОНИТОР КОМПЬЮТЕРА

7 ASKAR

ISMIGA MUNOSIB YIGIT

24 МАДАНИЯТ

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий шерикларидан. Икки мамлакат компаниялари ва банклари ўзаро ҳамкорликда тиббиёт, инфратузилма ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо–Амир Темур» Испания–Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

2008 йил июнь ойида Испания Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар бўйича институти («Casa Asia») делегацияси Ўзбекистонга келди. Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, кўргазма, конференция ва семинарлар ташкил этиш орқали Испанияда ўзбек халқининг маданий-маънавий меросини тарғиб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, олий ўқув юртлари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар ҳам фаоллашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Мадрид, Гранада, Алкала де Энарес, Малага университетлари билан бевосита алоқа ўрнатган. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар Испаниядаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари билан қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Мигель Анхель Моратинос самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Испания Ўзбекистон билан алоқалар кўламини янада кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон–Испания муносабатларига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Ислом Каримов Косонсой туманидаги "Чинор" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

– Фермер фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Жумладан, чорвачилик сердаромад соҳалардан бири. Бу соҳани ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадни бир неча ҳисса орттириш мумкин. Бу нафақат ички бозор талабларини қондириш, балки мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини ҳам беради.

Президентимизнинг таклиф ва маслаҳатлари нечоғли асосли эканига Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

– 189 гектар еримиз бор, – дейди Ҳ. Мўйдинхўжаев. – Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. Хўжалигимизда 730 бош қорамол бор. 300 бош соғин сигир кунига 5 тоннагача сут беради. Уни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Яқинда гўштни қайта ишлайдиган цех очдик.

Юртбошимиз "Чашмаи сафед" каби фермер хўжаликлари тажрибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ёрдам бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиалида олимлар ва фермерлар билан учрашди.

Мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, янги уруғлик навлари етиштириш каби вазифаларни бажаради.

Филиалда ғалла ва пахта уруғчилиги бўйича ҳар йили юқори ҳосил олинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, наманганлик фермерларнинг 95 фоизи вилоятнинг ўзида тайёрланаётган сифатли уруғ билан таъминланмоқда.

Мутахассисларнинг илмий изланишлари натижасида ғалланинг серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли икки янги нави – "Ғайрат" ва "Гавҳар" яратилди.

Президентимиз филиалда Фарғона водийси далаларида етиштирилаётган ғалланинг йигирмадан зиёд нави намуналарини кўздан кечирди. "Чиллаки" навининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари билан қизиқди. "Чиллаки" Наманган вилоятининг иқлим ва тупроқ шароитига мослашган, эртапишар, серҳосил нав бўлиб, гектаридан 50-60 центнер ҳосил беради.

– Истиқболли ғалла навларини яратиш давлат аҳамиятига молик масала, – деди Ислом Каримов. – Биз эртани ўйлашимиз, янги навларни яратишда илмий асосларга таянган ҳолда фермерларнинг маслаҳатлари, таклиф ва тавсияларини инобатга олишимиз даркор.

Ислом Каримов мустақиллик йилларига қадар Ўзбекистонда ғаллачилик анча оқсоқ соҳа бўлганини, бугунги кунда олимларимиз ва фермерларимиз ҳамжиҳатликда иш юритиб, юксак натижаларга эришаётганини таъкидлади. Фермерларнинг турмуши, меҳнат шароити, соҳадаги ютуқ ва муаммолар ҳақидаги уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Наманган вилояти фаоллари билан учрашди.

Ислом Каримов "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Наманган шаҳри инфратузилмасини такомиллаштириш, ёшларни, айниқса, коллеж ва лицейларни битираётган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримов Наманган вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Бу ердаги шароит, ўқув машғулотлар жараёни, ҳарбийларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги билан танишди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Акрам САТТОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг шу йил 14 июнда Москва шаҳрида бўлиб ўтган сессияси якунларининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

ОДКБ давлатлари раҳбарларининг саммити пайтида халқаро ривожланишнинг асосий тенденциялари муҳокама қилинди, Ташкилот фаолиятининг бўлғуси сессиялар оралиғидаги даврга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб олинди. Учрашув якунлари бўйича Ўзбекистон ОДКБнинг жавобгарлиги зонасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган бир қатор ҳужжатларни имзолади, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг Коллектив оператив ҳаракат кучлари (КСОР) ҳақидаги битим бундан мустаснодир. Мазкур ҳужжат бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Алоҳида фикри баён этилди.

Депутатларнинг чиқишларида қайд этилдики, 1992 йилда Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланган кундан эътиборан мамлакатимиз Ташкилотнинг ўзига нисбатан ҳам, ОДКБ Коллектив кучларининг мақоми тўғрисидаги масалага нисбатан ҳам принципиал позициясини белгилаб олган.

Депутатлар КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг Алоҳида фикрини муҳокама этдилар. Хусусан, ушбу Алоҳида фикрда белгиланганки, "КСОР ОДКБга аъзо давлатларнинг хавфсизлигига бўладиган хатарлар ва таҳдидларга оператив муносабат билдириш, ташқи ҳарбий тажовузни қайтариш учун мўлжалланган бўлиши керак". Бунда "Коллектив кучлардан МДҲ ҳудудида ва ОДКБ давлатларида шу давлатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва қарама-қаршиликларни ҳал этиш учун ҳарбий куч сифатида фойдаланиш мумкин эмас".

Ушбу масала юзасидан "Адолат" социал-демократик партияси фракциясидан депутат И.Саифназаров сўз Коллектив кучларнинг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи принципиал масалалар ҳақида ҳамда энг муҳими – КСОРнинг белгиланган мақсади ҳақида бораётганлигини таъкидлади. Коллектив оператив ҳаракат кучлари, парламент аъзоларининг фикрига кўра, фақат ташқи тажовузни ва четдан бўладиган аралашувни қайтариш учун жалб этилиши ва қўлланилиши лозим. Бугунги кунда МДҲ мамлакатлари ҳудудида "музлатилган" деб аталувчи бир қатор можаролар мавжуд бўлиб, улар фақат сиёсий воситалар билан ҳал этилиши керак. Шу сабабли уларни ҳал этиш учун КСОР ни қўлланишнинг ҳар қандай имкониятини истисно этиш керак бўлади, дея қайд этди ўз нутқида депутат. Ўзбекистонда шунга асосланадиларки, дея таъкидлади депутат, ОДКБга иштирокчи мамлакатларнинг ҳар бири ўзининг ички зиддиятлари ва қарама-қаршиликларини четдан қуролли кучларни жалб этмасдан ҳал қилишга қодир.

Парламент аъзолари мазкур масала бўйича Ўзбекистоннинг бошқа принципиал позицияси ҳақида ҳам фикр билдирдилар, унинг моҳияти КСОР контингентларини жойлаштириш ва қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш чоғида консенсус принципига риоя этиш зарурлигидан иборат.

Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзоси депутат Л. Гуломовнинг фикрича, КСОРни жойлаштириш ва қўллашга доир қарор Коллектив хавфсизлик кенгаши томонидан фақат консенсус асосида қабул қилиниши керак. ОДКБ айрим давлатларининг Коллектив кучларни қўллашга доир қарор "Ушбу битим ўзига нисбатан кучга кирган Томонларнинг розилиги билан" қабул қилиниши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон томони учун мутлақо номақбулдир, чунки айнан шундай бўлган тақдирда "консенсус" принципи бузилади, дея таъкидлади депутат.

КСОР тўғрисидаги битимнинг мазкур банди, бир қатор депутатларнинг фикрича, ОДКБ Уставига тубдан зид бўлиб, унинг 12-моддасида белгилаб қўйилганки, "Коллектив хавфсизлик кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши ва Хавфсизлик кенгашлари котиблари қўмитасининг тартиб-таомил масалаларидан ташқари қарорлари консенсус асосида қабул қилинади".

Сўзга чиққан депутатлар таъкидладиларки, КСОРнинг ташкил этилиши ҳар бир мамлакат суверенитетининг энг муҳим элементларига, хавфсизлик масалаларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларининг бутун бир туркумига дахл қилади. Шу муносабат билан ОДКБга аъзо давлат КСОР таркибига киритилган ўз контингентини жўнатиши, шунингдек, ОДКБга аъзо бошқа давлатларнинг ҳарбий контингентларини ўз ҳудудига, фақат бу унинг миллий қонунчилигига зид бўлмаган тақдирдагина киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги ҳақидаги Ўзбекистоннинг позицияси мутлақо тўғридир. Ушбу масала юзасидан Москва саммити пайтида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган қоида халқаро ҳуқуқ принципларидан ва миллий қонун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқади, дея таъкидладилар депутатлар.

КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг Алоҳида фикри қоидаларини шарҳлар экан, депутат А.Саидов қайд этдики, "Биз, шунингдек, КСОР тўғрисидаги битимнинг у имзоланган кундан эътиборан, яъни миллий парламент томонидан ушбу ҳужжатни тасдиқлаш бўйича ички давлат тартиб-таомиллари ўтказилгунга қадар вақтинча қўлланилиши имкониятини берувчи қоидасига розилик бера олмаймиз. Бу ҳолда ҳужжатни ратификация қилишнинг амалий мақсадга мувофиқлиги бой берилади, шундай битимларни ратификация ва денонсация қилиш мутлақ ваколатига тааллуқли бўлган парламентимизнинг фикри батамом инкор этилади".

Ўзбекистон Конституциясига кўра, дея таъкидлади депутат, республикамизнинг халқаро шартномаларни ратификация қилиши Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, мамлакат мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар парламентда албатта ратификация қилиниши шарт.

Депутатлар алоҳида таъкидладиларки, Ўзбекистон Раҳбариятининг ОДКБ саммитидаги позицияси чет мамлакатлар сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари ўртасида кенг акс садо берди ва қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанлар ОДКБ КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг принципиал позициясини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва ташкилот доирасида қарорлар қабул қилиш чоғида ОДКБнинг Устави ва асосий ҳужжатларининг, Ташкилотга кирувчи мамлакатлар миллий қонун ҳужжатларининг талабларига оғишмай риоя этиш зарурлигини, уларни инкор этиш ОДКБ ичида қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар юзага келиши учун замин яратиши мумкинлигини таъкидладилар.

Мажлис якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА).

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ДНЮ НЕЗАВИСИМОСТИ – НАШ ВДОХНОВЕННЫЙ ТРУД

Опубликовано постановление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «О подготовке и проведении праздновании 18-летия государственной независимости Республики Узбекистан». Оно явилось важнейшим событием всей общественно-политической жизни страны в преддверии великого праздника – Дня независимости, который стал для каждого из нас самым великим и самым дорогим, ярким проявлением национальной гордости, чести и достоинства каждого гражданина страны, источником его благородных устремлений, успехов и достижений во славу Родины.

В наших Вооруженных Силах сложилась добрая традиция – достойно встречать этот самый великий и самый дорогой для нас праздник успехами в боевой и общественно-политической подготовке, в совершенствовании боевого мастерства, в укреплении воинской дисциплины. Верные этой традиции солдаты, сержанты и офицеры немало делают для повышения боевой готовности Вооруженных Сил, укрепления обороноспособности страны. Постановление главы государства придало новый импульс ратному труду воинов, укрепило их любовь к своей независимой Родине и вызвало естественное стремление самоотверженно служить на благо Родины, отдавать благородному делу защиты рубежей родной Отчизны все свои силы, энергию и опыт.

К празднику независимости у нас, узбекистанцев, особое, трепетное отношение. Независимость для нас – это залог дальнейшего роста и укрепления нашего государства и нашего благополучия, мира и стабильности, повышение уровня нашего самосознания, защиты интересов человека, всемирного развития личности. Это и укрепление нашей национальной безопасности и обретение достойного места в мировом сообществе.

За годы независимости наша страна, в результате реформ, проводимых под руководством Ислама Каримова, стала не просто экономически сильнее, она стала могущественнее и в экономическом, и в научном, и в духовном, и в интеллектуальном, и в культурном отношении. Она преобразилась вся: от столицы и до самого отдаленного кишлака. Сегодня лицо современного независимого Узбекистана определяют такие гиганты современной макроиндустрии как Асакинский автогигант, Бухарский нефтеперерабатывающий завод, Кунградский содовый завод, Навоийская СИЭЗ, Самаркандский автобусный завод, Навоийский и Ангренский горно-металлургические комбинаты и десятки, сотни заводов, фабрик, предприятий легкой, текстильной, пищевой и других отраслей промышленности, а также новые величественные здания и жилые дома, современные школы, лицеи, колледжи, развязки дорог, мосты, новые улицы, парки, скверы – всего не перечесть.

Независимость создала неограниченные возможности для кардинальных качественных изменений и преобразований, модернизации производств, внедрения новых и новейших технологий. В считанные годы изменилась вся страна, изменились и люди, их образ жизни, их мышление и мировоззрение.

За последние пять лет темпы роста нашей экономики превысили в среднем 8 процентов, и в первом квартале 2009 года составили 7,9 процента. Для экономики Узбекистана характерны также стабильные и высокие темпы роста экспорта, инвестиций, положительное сальдо торгового и платежного балансов, профицит государственного бюджета и устойчивый рост золотовалютных резервов при умеренных объемах внешних заимствований.

Забота главы нашего государства о модернизации и диверсификации, постоянном техническом обновлении и широком внедрении инновационных технологий – это основа успеха экономической политики. Сегодня, в период нарастания мирового финансово-экономического кризиса, выигрывают в первую очередь те страны, для которых модернизация и диверсификация экономики, непрерывный процесс обновления производства и внедрения инновационных технологий являлся и является главным приоритетом в развитии страны. Исходя из этого Президент Ислам Каримов делает блестящий вывод, который не лишне было бы усвоить многим, очень многим руководителям государств как ближнего, так и дальнего зарубежья: **«Понимание глубокого значения этого факта и постоянная системная глубоко продуманная работа над реализацией этого сквозного приоритета – это ключ к успеху в любых, в самых экстремальных ситуациях».**

В условиях мирового кризиса, мудрость главы нашего государства, уникальность Антикризисной программы – неотъемлемая часть нашей независимости, её потенциальных, неисчерпаемых возможностей и огромной духовно-нравственной силы. А это как раз и должно составлять основу нашей воспитательной работы со всеми категориями военнослужащих.

Постановление «О подготовке и проведении празднования 18-летия государственной независимости Республики Узбекистан» раскрывает широкий комплекс проблем и вопросов, определяет основные направления духовно-нравственного, патриотического, воинского, правового воспитания и культурно-просветительских мероприятий, **из которых вытекает целый ряд фундаментальных положений** и на основе которых долина строиться вся наша организаторская и воспитательная работа. Эти фундаментальные положения требуют корректировки наших планов и программ, уточнения определенных акцентов, поиска наиболее эффективных и действенных форм воспитания. А это в свою очередь требует от командиров, заместителей по воспитательной работе, от всех офицеров и сержантов постоянно иметь в виду два важнейших, взаимосвязанных фактора.

Первый фактор. Он вытекает из Обращения Президента страны, посвященного 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана и анализа современной военно-политической обстановки в мире и регионе. **«Военно-политическая ситуация в Центральноазиатском регионе в связи с продолжающейся вот уже 30 лет войной в Афганистане и активизацией за последнее время террористической и экстремистской деятельности, все более расширяющимися масштабами наркоагрессии продолжает оставаться напряженной». И там же он указывает: «Серьезным вызовом глобальной безопасности в мире являются продолжающиеся в различных регионах локальные войны, военное противостояние, конфликты, проявления терроризма».**

Как видим, военно-политические реалии сегодня таковы, что они не дают нам права на самоуспокоенность, благодушие и послабление. Более того, они прямо говорят о том, что **военная угроза для мира и стабильности сохраняется.** Это обязывает нас усилить внимание к боевой и политической подготовке войск, боевой готовности частей и подразделений, и в целом – усилению потенциала и боеспособности всех видов и родов войск Вооруженных Сил.

Другими словами, наши Вооруженные Силы должны быть готовы к ведению быстротечных, локальных операций, к эффективному противодействию отдельным банд-формированиям и террористам-одиночкам, к обезвреживанию смертников и диверсионно-террористических групп. Особое внимание следует уделить подготовке снайперов, пулеметчиков, гранатометчиков, навыкам ведения боевых действии в горной местности, в населенных пунктах, в ночных условиях.

Летняя боевая учеба – это пора тактических занятий, тактико-специальных, тактических и иных учений. Организуя их, надо всегда помнить, что **тактические учения в мирное время – это высшая форма, пик обучения,** в основе, которых должно лежать прежде всего требование Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами страны Ислама Каримова – максимальное приближение их организации и тактического замысла к реальной боевой действительности. Следовательно, этому должны быть подчинены и планирование, и организация боя, все виды снабжения и обеспечения боевой готовности частей и подразделений. Другими словами, **все должно быть подчинено незыблемому постоянно действующему правилу, четко сформулированном главой государства – «учиться и еще раз учиться военному искусству».**

Второй фактор. Наша ориентировка в задачах сегодняшнего дня на повышение бдительности и боевой готовности, повышение качества боевой и оперативной подготовки, мобильности и оперативности войск при решении внезапно возникающих задач настоятельно требует совершенствования нашей практической деятельности по обучению и воспитанию личного состава, повышения эффективности и действенности воспитательной работы. **Основу этой работы должны составлять мероприятия по подготовке к 18-летию нашей независимости.** За нашими плечами почти десятилетний период кардинальной военной реформы, сопряженный с поиском нового, ломкой многих устаревших и отживших стереотипов, с внедрением в жизнь войск современных технических средств обучения, основанных на использовании информационно-коммуникационных и компьютерных технологий, методов моделирования и симуляции, новейших тренажеров и современного полигонного оборудования. Период совершенствования всей системы обучения и воспитания, подготовки военных кадров и повышения роли сержантского состава, ставшего по-настоящему «становым хребтом» нашей армии. Сейчас мы все больше начинаем понимать, независимость, как динамично развивающийся процесс, в котором взаимодействуют как объективные, так и субъективные факторы. При этом роль последних, то есть роль человека, личности, неизмеримо возрастает. Это доказано не только возрастанием роли человека в решении общественно-политических, экономических и социальных задач, в развитии искусства, культуры, спорта, **но и в решении задач обеспечения национальной безопасности страны, в решении оборонных вопросов.** Все это обязывает нас в столь неспокойное время наращивать наши усилия, приводить в действие энергию обновления, повышать деловой настрой всех категорий военнослужащих на решение задач дальнейшего углубления реформирования и совершенствования боевой готовности Вооруженных Сил. Подготовка к празднованию 18-летия государственной независимости Республики Узбекистан должна стать реальной движущей силой, внутренним императивом, побуждающим каждого военнослужащего на качественное и безусловное выполнение поставленных перед ним задач.

Поэтому, первейшая задача, вытекающая из постановления главы государства – максимально разбудить потенциальные возможности солдата, сержанта, офицера, сделать их по-настоящему активными, ответственными, заинтересованными в образцовом выполнении своего патриотического долга. Нужно добиться, чтобы каждый военнослужащий осознавал себя необходимым и важным звеном в едином, хорошо организованном механизме, профессионально и компетентно выполняющим свои функциональные обязанности в любых, в том числе и экстремальных условиях обстановки.

Не менее важно сегодня повысить духовно-нравственный тонус внутренний жизни воинских коллективов и на этой основе сформировать у военнослужащего чувство переднего края. Где бы воин ни находился, в каком бы регионе страны ни служил, он должен быть всегда начеку, быть настороженным, впитать в себя готовность в любую минуту защитить Родину, мирную жизнь своего народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАЛАКА

2009-2010 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ШИОРИ:

«Юксак ватанпарварлик, жанговар малака ва профессионал тайёргарлик, қурол ва ҳарбий техникани моҳирона эгаллаш, уларни қатъий ҳарбий интизомни мустаҳкамлаган ҳолда намунали ва қўллашга доимий шай ҳолатда сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи»

Дала-ўқув машғулотларида

МАҚСАД – ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Шу кунларда барча қисм ва бўлинмаларда ўқув йили машғулотлари кўтаринки суръатда давом этиб, ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича пухта билим олишга интилишяпти.

Маълумки, дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳорати, билимининг янада шаклланишида, ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам дала-ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтказилишига катта эътибор қаратилади. Айни кунларда қай бир қисмда бўлманг, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик бўйича олиб бораётган машғулотларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун бу машғулотлар катта мактаб вазифасини ўтаб, соҳалари бўйича пухта билим, тажрибага эга бўлишларида, энг асосийси, юртга муносиб посбон бўлиб камол топишларида катта омил бўлаяпти.

Оддий аскар Соҳиб Аҳмаджоновнинг муддатли ҳарбий хизматни бошлаганига ҳали унча кўп бўлмаган бўлсада, қисқа вақт ичида ҳарбий ҳаётга кўникиб, вазифаси ва ҳарбий соҳа бўйича анча билимларни эгаллаб улгурди. У гуруҳда пулемётчи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинганимдан, нафақат ўзим, балки яқинларимнинг ҳам қалби қувончга, фахрга тўлган, – дейди у. – Чунки армияда хизмат қилишни, ўз йигитлик бурчимни ўташни жуда хоҳлаганман.

Командирлари эътиборига тушиб улгурган посбон ҳақида қисмда ижобий фикрлар билдиришди. Айниқса, унинг дала-ўқув машғулотларидаги муваффақиятлари таҳсинга сазовордир.

...Офицер Азиз Усмонов гуруҳига қисм қўмондонлиги томонидан топшириқ қўйилди. Бунга кўра, гуруҳ муайян ҳудудда ҳаракат қилаётган шартли душманни қидириб топиши ва пистирма қўйиши ҳамда ҳужум уюштириб, уни яксон қилиши лозим. Вазифасига виждонан ёндашиб, қўл остидаги посбонларнинг билим ва маҳоратини шакллантириб келаётган командир гуруҳни йиғиб, қўйилган топшириқ бўйича қисқача маълумот берди. Посбонларни ўз вазифаларига қараб гуруҳларга ажратди ва ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтирди. Офицер А.Усмонов харитадан шартли душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларга белги қўйди. Биринчи навбатда қидирувни ташкиллаштириб, шартли душман ўрнашган жойни топиш лозим ва атрофга пистирма қўйиш керак. Гуруҳ топшириқни бажаришга шай бўлганга қадар эса, вазифани юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишларини кўрди. Тайёргарлик ишларини ўтказишда бир неча йиллик тажриба ва малакага эга офицер Санжар Хожиалиев гуруҳнинг олдига қўйилган вазифани аъло даражада бажаришлари учун улар билан машғулотлар ўтказиб, яқиндан ёрдам берди.

– Офицер А.Усмоновнинг жамоаси қисмдаги энг илғор гуруҳлардан ҳисобланади, – дейди офицер С.Хожиалиев. – Гуруҳ командирининг масъулиятлилиги, билимдонлиги ва тажрибаси уларни илғорлар сафига олиб чиққан бўлса, қўл остидаги посбонларнинг уюшқоқлиги ва маҳорати жанговар вазифаларни юксак даражада бажаришлари учун муҳим омил бўлмоқда. Бугунги дала-ўқув машғулотини ўтказиш мобайнида ҳам гуруҳ шахсий таркибининг жипслик билан ҳаракат қилиши топшириқнинг аниқ бажарилишини таъминлади.

Эрта тонг. Гуруҳ посбонлари тоғ паст-текисликлари бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Посбонлар маскировкага эътибор бериб, йўналишда давом этишмоқда. Шу пайт гуруҳ мергани оддий аскар Сирожиддин Ҳусаинов командирга шартли душман жойлашган ҳудудни кўраётгани ва уларнинг неча кишидан иборат эканлиги ҳақида алоқа воситаси орқали ахборот берди. Командир зудлик билан шартли душман ҳаракат қилиши кутилаётган йўлга пистирма ташкиллаштирди. Асосий жанговар позицияни пулемётчи оддий аскар Соҳиб Аҳмаджонов ва гуруҳ автоматчилари эгаллашди. Шартли душман йўналиши бўйлаб ҳаракатни давом эттирмоқда. Гуруҳ командири уларнинг пистирма қўйилган ҳудудга киришини кутиб, кейин ҳужум уюштиришга қарор қилди. Шартли душман биринчи ҳужумнинг ўзиданоқ саросимага тушди. Жанговар позицияни эгаллаб турган посбонлар уларнинг барча йўлларини тўсиб, ҳужумга ўтишди. Шу тариқа офицер А.Усмоновнинг гуруҳи қўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифани аъло даражада уддалашди.

– Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳоратининг ошишида, уларнинг жисмонан чиниқишида катта ўрин тутади, – дейди офицер А.Усмонов. – Шу боисдан жанговар тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратиб, айниқса, сафларга яқинда қўшилган посбонларнинг кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишларини инобатга олган ҳолда машқларни юксак савияда ўтказишга интилаяпмиз. Уларнинг ютуғини сафдошларига намуна қилиб, камчиликларини тузатиб бораяпмиз. Бугунги машғулотда ҳам оддий аскар Аҳмаджонов вазифасини аъло баҳога уддалади.

Командирнинг таъкидлашича, оддий аскар Аҳмаджонов нишонга отиш машғулотларида фаол иштирок этиб, илғорлар сафидан жой олиб келаётган экан.

– Илк бор ўтказилган дала-ўқув машғулоти менда катта таассурот қолдирган, – дейди Соҳиб. – Бугунги машғулотларда иштирок этиб, қанчалар масъулиятли вазифани бажараётганимни янада теран ҳис қилаяпман. Бунда бизга ҳарб илмидан сабоқ бераётган тажрибали офицер ва сержантларнинг катта хизматлари бор. Айниқса, гуруҳ командирининг ўринбосари, сержант Мурод Сапаковдан кўп нарсани ўрганаяпман.

Дарҳақиқат, сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичини ҳам имтиёзли тугатган сержант М.Сапаков асл профессионаллардан. У гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида самарали фаолият кўрсатиб, посбонларга барча машғулотлардан юксак билим бериб келмоқда.

– Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг мазмунига айланган, – дейди кичик командир. – Мана бир неча йиллардан буён шартнома асосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаяпман. Бу касбни эгаллаганимдан фахрланаман. Гуруҳ посбонларига офицер А.Усмонов билан биргаликда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича зарур билимларни бериб, улар маҳоратининг юксалишида ҳисса қўшиб келяпман.

Оддий аскар Соҳиб Аҳмаджоновнинг қўлга киритаётган ютуқларидан командирлари ҳамиша фахрланишади. Муддатли ҳарбий хизмат унинг қалбида ҳарбийлик касбига бўлган қизиқишни, ҳавасни пайдо қилди. Шу боисдан ҳам у келгусида Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилишни мақсад қилган.

Ўтказилаётган бу каби дала-ўқув машғулотлари эса аскарларнинг юксак ҳарбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

МАСТЕРСТВО

Идет боевая учеба

АРТИЛЛЕРИСТЫ НА ПОЛЕВОМ ВЫХОДЕ

Вопросы отработки слаженности действий огневых групп стали основным моментом полевого выхода в артиллерийском подразделении капитана Александра Калинина.

– С первых дней нового учебного года личный состав сосредоточил усилия на одиночной подготовке в составе группы, – рассказывает офицер Азамат Рамазанов. – И вот теперь предстоит на практике закрепить знания и навыки действий при орудии.

Уже само проживание в палаточном городке вырабатывает у солдат срочной службы выносливость к тяготам воинской службы, умение правильно действовать в полевых условиях. Хотя особенность жаркого климата нашей страны обязательно принята во внимание: в самый разгар полуденного зноя личный состав в палатках отдыхает и готовится в теоретическом плане продолжить занятия в вечернее время.

Сдача нормативов по выработке слаженности огневых групп начинается уже на этапе выезда в район предназначения и занятия огневых позиций. Личный состав строится возле машин, уточняет задачи, и по команде занимает свои места. Колонна машин с гаубицами выдвигается на заранее определенное место для огневых позиций.

После остановки опять закипела боевая работа: орудийные расчеты выполняют учебные нормативы по переводу орудий из походного в боевое положение. Сержанты Бекзод Саидумаров, Ильхом Гиясов и Рахмон Хужамуродов расторопно руководят работой своих подчиненных. Звучно щелкает секундомер в руках командира батареи старшего лейтенанта Дильшода Турсунова, фиксируя первые успехи артиллеристов: два из трех расчетов смогли перекрыть установленные нормативами временные рамки.

Конечно, представителем штаба части сразу же сделаны замечания, призванные устранить отдельные недостатки, которые неизбежны на первом полевом выходе. Но самое главное – создан позитивный победный настрой сообщением о том, что нормативы успешно выполнены.

Рядовые Акром Нурматов, Шахбоз Санакулов и Теликбой Абдунасибов прибыли в эту часть из разных уголков нашей Родины: Акром из Намангана, Шахбоз из древнего Самарканда, а Теликбай из Каракалпакстана. Здесь подружились, стали единой командой, нацеленной на выполнение боевых задач.

– Осваиваю специальность наводчика орудия, – говорит рядовой Акром Нурматов. – Командир орудия показывает мне, как правильно устанавливать прицел, что я должен делать в процессе перевода орудия в боевое положение. В общем, все интересно.

– Принадлежность к артиллерии, обладающей такими мощными орудиями, вселяет чувство гордости, – делится своими впечатлениями рядовой Шахбоз Санакулов.

– В свободное время, после практических занятий при орудии, проводятся занятия по оперативному информированию обо всех основных событиях в мире и Узбекистане, – добавляет рядовой Теликбай Абдунасибов. – То есть, мы не чувствуем себя оторванными от мира, находимся в курсе всех событий.

Забота об информированности воинов, о поддержании в них морально-психологической готовности к выполнению долга, к стойкому перенесению трудностей полевого выхода – это забота офицеров-воспитателей. Ведь в учебном бою, как и в реальном, успех определяет не только физическая и профессиональная их готовность, но и морально-волевые качества.

В ходе этого двухнедельного полевого выхода воины артиллерийских подразделений потрудятся над слаженностью действий номеров расчетов до открытия огня. А офицеры и сержанты также отработают боевые документы на огневых позициях и командно-наблюдательных пунктах.

Таким образом, к этапу полевых выходов с боевыми стрельбами орудийные расчеты подойдут в полной готовности.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ПЯТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Определить, какой должен быть расход снарядов для получения не менее одного попадания с вероятностью, равной 98%, если вероятность попадания в цель при одном выстреле равна 9%.

ЗАДАЧА №2

Вычислить сближение меридинов для точки, геодезические координаты которой сняты с карты и равны:

B = 29 град. 18,5 мин.
L = 42 град. 48,7 мин.

ЗАДАЧА № 3

Командир батареи 122-мм ГД-30 создал наземный репер 1-й на заряде втором снарядом ОФ-462, взрыватель осколочный. Пристрелянные установки по реперу: прицел пристрелянный репера 415 тыс., уровень пристрелянный репера 30-00, доворот пристрелянный репера левее 1-30. Определить пристрелянные поправки по реперу, если известно: дальность топографическая репера 6400 м, доворот топографический репера левее 1-51, высота батареи 940 м, превышение репера над огневой позицией +650 м.

ЗАДАЧА № 4

На огневой позиции группа 122 мм. ГД-30. Позывной «Кулик», разрушить вход в пещеру, цель 102. Дальность цели исчисленная 4790 м, превышение цели +40 м. Доворот цели исчисленный ОН+0-97, Ку=0,2, Шу=0-04, ОП справа, дальность топографическая цели 4610 м. Фц=15 м.

НАБЛЮДЕНИЯ:

команда	1 орудие	2 орудие	3 орудие
1		П8+	
2		–	
3		+	
4	Л6+, Л2+, Л4+, Л3+	Л2-, П4-, П4-, П6-	П5-, П2-, П4+, П2-
5	Л2-, П4+, Л3+, Л2-	П2+,П2+,П2+, Л1+	Л1-, О2-, П4+, П2-
6	–, +, Ц, +	–,+, –, –	П2, Л3, П5, Л4
7	Цель разрушена		

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ЧЕТВЕРТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА 1.

Срединная ошибка корректуры дальности 10,7 м.

Срединная ошибка корректуры направления 1,7 м.

ЗАДАЧА 2.

Дирекционный угол на цель равен 23 градуса 32,5 минуты или 3-92.

ЗАДАЧА 3.

Команда: «Прицел меньше 20, трубка меньше 4, уровень меньше 0-04, левее 0-30. Огонь».

ЗАДАЧА 4.

Часовой уход оси гирокомпаса равен +0-26.

Поправка с учетом разогрева гироазимута равна –0-18.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ

Шаги военной реформы

«ПОЛЕ БОЯ» – МОНИТОР КОМПЬЮТЕРА

Компьютерные технологии все прочнее входят в процесс боевой учебы наших войск. Причем, если раньше компьютеры в первую очередь использовались для ведения документации, учета и планирования боевой подготовки, то сейчас все больше набирает обороты их применение для повышения реальных навыков владения боевой техникой и оружием.

Инструктор-оператор ПЭВМ младший сержант Самандар Нуралиев еще в период обучения в Школе подготовки сержантов военного округа прошел соответствующую подготовку. Теперь он может самостоятельно вести обучение наводчиков-операторов БМП.

За окном класса горит жаркое лето, но компьютеры дают возможность спокойно применять вводные команды: туман, снег, по которым управление боевой машиной и обзор «поля боя» существенно усложняются.

– Прижми крепче наушники!

Эта подсказка инструктора заставляет обучаемого наводчика еще сильнее сконцентрироваться на получаемых задачах.

– Цель следующая: танк в окопе, – после новой подсказки руководителя занятия младший сержант Туйчи Шомурадов привычно приникает к окошку обзора. Он также учился работе на компьютерном тренажере в окружной ШПС, но от этого задача не становится легче. Ведь всякий раз мишень появляется в разных местах, а времени на обнаружение и поражение дается довольно мало. И тогда дается точное указание пути к цели.

– Движемся вправо! Прошел, верни чуть назад.

Теперь и сам наводчик уже увидел цель. Легкое нажатие кнопки на пульте управления.

– Есть. попадание!

Но радоваться успеху уже некогда: на экране появилась следующая цель: пулеметный расчет. По команде «Огонь!» наводчик открывает стрельбу. Инструктор по ходу корректирует огонь товарища: левее, ниже, есть попадание.

А вот младшему сержанту Зоиру Холбоеву ставится еще более сложная вводная задача. В верхнем углу экрана появляется воздушная цель: «вертолет» условного противника. Высота цели две тысячи метров. С учетом скорости полета воздушного судна его довольно сложно вывести из строя, но вооружение боевой машины пехоты позволяет метко вести огонь и по низко летящим целям. После двух поправок «вертолет» сбит, а наводчик получает заслуженную, «пятерку».

– Все наши военнослужащие активно включились в соревнование за достойную встречу 18-летия Независимости родного Узбекистана, – говорит командир мотострелковой группы лейтенант Сатторали Сабиров. – Поэтому каждый сержант считает для себя делом чести получить отличную оценку.

Выпускник ТВОКУ прошлого года скромно умолчал о том, что и он стремится к победе в состязании на звание «Лучший командир группы» в своей воинской части. Однако его старшие начальники отметили здоровое честолюбие молодого офицера. И это отрадно, ведь плох тот солдат, что не мечтает стать генералом.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**



ҲАРБИЙЛИКНИ ШАРАФ БИЛАР

Лавҳамиз қаҳрамони – кичик сержант, II даражали “ Чегара қўшинлари аълочиси” кўкрак нишони соҳиби Анвар Алиқулов сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган марду майдонлардан. Сафдошлари унинг тимсолида бугуннинг профессионал ҳарбий хизматчиси қандай бўлиши кераклигини кўрадилар.

Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, эл-юрт корига камарбаста бўлиш, тинчлигини қўриқлашни шараф деб биладиган посбон ҳарбий жамоада бурчга садоқати, фидойилиги, хушмуомалалиги билан ҳурмат қозонган.

Шарафли касб эгаси бўлиш, эгнига ҳарбий либос кийиш болаликда Анварнинг энг улкан орзуси эди. Ана шу эзгу ният билан мактабни битирган ўғлон муддатли ҳарбий хизматга йўл олди. Армия унинг ҳаётида чинакам шаклланиш, тобланиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Айнан ҳаёт мактабида у соҳага оид кўплаб билимларни ўрганди, ўзлаштирди. Армиядаги устоз офицерлар ва сержантларнинг билими, маҳорати, юксак салоҳияти ўғлоннинг қалбидаги қизиқишни алангалатди. Бу эса болалик орзусининг қатъий мақсадга айланишига туртки бўлди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлгач, у сержантлар тайёрлаш мактабига йўл олди. Интилувчанлиги, ҳарб илми сирларини эгаллашга бўлган иштиёқи сабаб мазкур таълим масканини аъло баҳолар билан тамомлашга муваффақ бўлди.

– Муддатли ҳарбий хизматни – Ватан олдидаги конституциявий бурчимни ўтагани орзуларимнинг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этди, десам янглишмайман, – дейди А. Алиқулов. – Айнан армияда хизмат давомида олган сабоқларим фаолиятимнинг дастлабки онларида менга асқотди. Айниқса, аскарлар билан муомалада бўлиш, уларни соҳа сирларини эгаллашга қизиқтира билиш, профессионал армияга муносиб бўлишлари йўлида йўл-йўриқ кўрсатишда устоз офицер ва сержантларнинг иш услуби, тажрибасидан унумли фойдаланяпман.

Ҳозирда чегара қўшинларида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилиб келаётган кичик сержант А. Алиқулов сержантлар тайёрлаш мактабида олган сабоқларини амалиётга татбиқ этиб, гуруҳи жанговар шайлиги ошишига хизмат қиямоқда. Кичик командир қўл остидаги посбонларга қандай вазифа топширмасин, аввало, бу ишни муваффақиятли бажариш сирларини уқтиради. Айниқса, жанговар тайёргарлик машғулотларида билганларини аскарларга ўргатишдан чарчамайди. Бундан ташқари, гуруҳда ажойиб мусобақадошлик муҳити қарор топганлигини ҳам сезиш мумкин. Бу эса юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини асрашдек шарафли ишга масъул Ватан ҳимоячиларининг баркамол бўлиб етишишлари, соҳанинг маҳоратли эгалари сифатида шаклланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Армия – ҳар бир халқ, миллатнинг ғурури, фахр-ифтихори ифодасидир, – дейди кичик командир биз билан суҳбатда. – Зотан, дунёда тинчликни сақлашдек шарафли иш йўқ. Армияни ҳаёт мактаби, деб аташлари замирида катта маъно бор. Ҳарбий хизматга жалб этилган ҳар бир ўғлон айнан шу ерда тобланади, чиниқади, келгусида асқотиши мумкин бўлган кўплаб билимларни ўрганадилар. Шу боис ҳам қўл остимдаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, руҳий тайёргарлигини оширишга, жанговар билимларини бойитишга жиддий эътибор қаратиб келаман.

Сержантларни бежизга армиямиз таянчи ва суянчи, деб атамайдилар. Қуролли Кучларимиз сафларида салоҳият ва маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган посбонларимиз бор экан, тинчлигимиз мангу, осойишталигимиз бардавом бўлгай.

Олимжон ҲАЙДАРОВ,
оддий аскар.

ХАЛОСКОР ЧЕГАРАЧИЛАР

Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа эр йигитга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, бурчларини виждонан ўташмоқда.

Сарҳадларимизни ҳимоя қилиш посбондан катта масъулият, малака ва билим ҳамда ҳушёрликни талаб қилади. Буни чегара хизмати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

...Амударё соҳили бўйлаб сергаклик ила хизмат вазифасини ўтаётган матрос Жаҳонгир Тўраев сувда оқиб келаётган одамни кўриб қолди. Вазиятни англаган ҳушёр матрос инсон ҳаёти хавф остида эканлигини ҳис қилган ҳолда, зудлик билан чегара катери командири 2- даражали старшина И. Мелибоевга хабар берди.

Экипаж тезда қутқарув ишларини ташкил қилди. Кўрилган тезкор чора туфайли фуқаро Александр Павловнинг ҳаёти қутқариб қолинди.

– Бундайин вазиятлар хизматимиз мобайнида содир бўлиб туради, – дейди матрос. – Энг аввало, вазифамизга, бурчимизга содиқ бўлсак, ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолай оламиз. Очиғи, ўша куни қаттиқ ҳаяжонландим. Миямда фақат бир фикр – унинг ҳаётини сақлаб қолиш эди. Экипаж аъзоларининг тез ва аниқ ҳаракати туфайли бир инсон ҳаёти сақлаб қолинди.

Александрга ўша ернинг ўзидаёқ посбонлар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди. Унинг онаси Виктория Павлова бу ҳодисани эшитиб, чегарачиларга чин дилдан миннатдорчилигини билдирди.

– Матрос Ж.Тўраев касбининг устаси ҳисобланади, – дейди 2-даражали старшина И.Мелибоев. – Унинг бу жасорати кўпчиликка ибрат бўлди. Айниқса, қутқарилган фуқаронинг яқинлари, маҳалла фаолларининг самимий миннатдорчиликлари у қатори барча ҳарбий хизматчиларимизни янада руҳлантирди.

Ҳа, вазифасига, бурчига содиқ, жасорат, матонатда тенгсиз ўғлонларимиз бор экан, юртимиз осойишталиги ишончли қўлларда дея айта оламиз.

Майор Х. ЎРАЛОВ.

ASKAR

ISMIGA MUNOSIB YIGIT



Sadoqat, shijoat, matonat. Bu so‘zlar qadrini, mohiyatini bugunning har bir er yigiti, ayniqsa, Vatan himoyachilari yaxshi biladi, teran his qiladi. Chunki sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlashdek sharafli ishga mas’ul harbiy xizmatchidan ana shunday xislatlarga ega bo‘lish talab etiladi.

Sodiqjon Bobojonov Buxoro viloyatining Qorako‘l tumanida voyaga yetgan. Bolaligidan ilm olishga havasmand o‘g‘lon tumandagi 28- umumta’lim maktabini bitirgach, Buxoro oziq-ovqat va yengil sanoat texnologiyalari institutiga hujjat topshirdi. Maktabda yaxshi o‘qigan, sinovlarga puxta va jiddiy tayyorgarlik ko‘rgan o‘g‘lon niyatiga yetdi: u talaba degan nomga muyassar bo‘ldi.

Oliy o‘quv yurtida tahsil olish mobaynida u mamlakatimizning oziq-ovqat va yengil sanoatini taraqqiy ettirish, bu borada jahondagi sanoati rivojlangan davlatlar tajribasini o‘rganish, ularning bosib o‘tgan yo‘lini tahlil qilish, sanoatning mazkur turiga zamonaviy texnika va texnologiyalarni jalb etish masalasi ustida ilmiy izlanishlar olib bordi. Bu borada institutdagi malakali o‘qituvchilarning yordami katta bo‘ldi.

– Bugungi kunda hech bir sohani innovatsion texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi, – deydi lavhamiz qahramoni biz bilan suhbatda. – Xususan, sanoatning davr bilan hamnafas bo‘lishi juda muhim. Institutda o‘qish mobaynida ko‘plab davlatlarda sanoat va ishlab chiqarish sohasida qo‘lga kiritilgan yutuqlar bilan tanishib, ularni o‘qituvchilarimiz bilan birgalikda tahlil qilganmiz. Malakaviy bitiruv ishimda shu to‘g‘rida atroflicha fikr yuritganman.

O‘qishni tamomlagach, Sodiqjon muddatli harbiy xizmatga borishga – Vatan oldidagi yigitlik burchini o‘tashga qaror qildi. Zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirgan, salohiyatli o‘g‘lon belgilangan ko‘rik, sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tdi.

Armiyada xizmat qilayotganiga uncha ko‘p bo‘lmagan bo‘lsa-da, o‘tgan vaqt mobaynida burchiga sodiqligi, zimmasidagi mas’uliyatni yurak-yurakdan his qilishi, komandirlari tomonidan beriladigan har qanday topshiriqni o‘z vaqtida ado etishi bilan harbiy jamoada hurmat qozondi. Posbondagi ilmga tashnalik, sohaga qiziqishga barcha havas qiladi. Safdoshlari undan o‘rnak olishga intilishadi.

– Oddiy askar Bobojonov guruhimizda o‘zining bilimi, mashg‘ulotlarda faolligi bilan ajralib turadi, – deydi oddiy askar A. Ibragimov. – U, ayniqsa, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida ilg‘or. Safdoshimizdan ko‘p narsani o‘rgandik. Kelgusida oliy o‘quv yurtida o‘qish istagida bo‘lgan ko‘plab posbonlar undan o‘qishga kirishda nimalarga e’tibor qaratish kerakligi to‘g‘risida ma’lumot olishga harakat qiladilar. Men ham muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab bo‘lgach, oliy ta’lim dargohida tahsil olishni ko‘nglimga tukkanman.

– Oddiy askar Bobojonovni xizmatga kelgan ilk kunlardanoq yaxshi bilaman, – deydi ofitser Farrux Maseyev. – U barcha mashg‘ulotlarda, shuningdek, qism miqyosidagi tadbirlarda hamisha faol. Ayniqsa, harb ilmi saboqlari uning jonu dili. Hatto mashg‘ulotlardan keyin ham o‘zini qiziqtirgan savollar bilan murojaat etaveradi. Bu uning sohaga yuksak mehri va qiziqishidan, nazarimda.

– Milliy armiyamiz safida xizmat qilayotganimdan mamnunman, – deydi oddiy askar S. Bobojonov. – Bu yerda Vatan himoyachilarining ilm olishi, sport bilan shug‘ullanishi, sohaning bilimdonlari bo‘lib yetishishlari uchun barcha sharoit yaratilgan. Harbiy qismimizning zamon talablari darajasida jihozlangani, o‘quv hamda mashg‘ulot xonalari eng yangi texnika vositalari bilan ta’minlangani, mamlakatimizda harbiy xizmatchilarga qaratilayotgan ulkan e’tibor va g‘amxo‘rlik nishonasidir. O‘ylaymanki, hayot maktabida olgan saboqlarim menga bir umrga asqotadi.

Mansur SOBIRQULOV.

ULKAN MAS’ULIYAT

Abdurahmon aka va Oysafar opa Do‘ngariq qishlog‘ining piru badavlat otaxon va onaxonlaridan sanaladi. Besh o‘g‘ilni tarbiyalab voyaga yetkazgan bu insonlar bugun nevaralari qurshovida qarilik gashtini surishmoqda. Oilaning kenja farzandi Muxtorjon shu yil bahorgi chaqiruvda muddatli harbiy xizmatga chaqirildi. Ayni vaqtda u Vatan oldidagi muqaddas burchini ado etmoqda.

E’tibor berayotgan bo‘lsangiz, bugun armiya yoshlarimiz uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochmoqda. Ona yurt, xalq ishonchini oqlagan yigitlar uchun ish bilan ta’minlanish, mamlakatimizning nufuzli oliy o‘quv dargohlariga imtiyozli shartlar asosida o‘qigan qabul qilinishdek yuksak imkoniyatlar mavjud. O‘z navbatida mamlakatimiz ertasi bo‘lgan yoshlar ham bunday g‘amxo‘rlikni qardlab, yurt kelajagi, taraqqiyoti uchun xizmat qilishni astoydil dillariga tukkanlari shubhasiz. Oddiy askar Muxtorjon To‘rayevning qalbi ham ana shunday ezgu niyatlar bilan to‘la.

Muxtorjonga mehnatkashlik, intiluvchanlik kabi fazilatlar bolaligidan hamroh. Chunki ota-onasi – Abdurahmon aka va Oysafar opa farzandlarining komil inson bo‘lib voyaga yetishlari, odamiylikning eng sara fazilatlarini shakllantirish maqsadida ularni bolaligidanoq to‘g‘rilikka, mehnatni sevishga o‘rgatishdi. Natijada oilada kamol topayotgan barcha farzandlari o‘ktamlikda, jo‘mardlikda havas qilsa arzirli insonlar bo‘lib yetishdilar. Bugun ular xalq xo‘jaligining turli sohalarida mehnat qilib, Vatan ravnaqiga munosib hissa qo‘shishmoqda.

Muxtorjon harbiy xizmatga qadar Mirzaobod tumanidagi kasb-hunar kollejida tahsil oldi. Oradan hech qancha vaqt o‘tmasdan sog‘lom, bilimdon va mulohazali bu yigit tanlov mezonlarining barcha shartlarini muvaffaqiyatli bajarib, harbiy xizmatga loyiq topildi. Hozirda u harbiy qismda o‘z yigitlik burchini o‘tamoqda.

– Harbiy xizmatni boshlaganimga hali ko‘p vaqt bo‘lgani yo‘q, – deydi oddiy askar Muxtor To‘rayev. – Lekin shunday bo‘lsa-da qisqa vaqt hayotimdagi eng unutilmas, sermazmun davr bo‘lyapti. Hozir harbiy hayotga ko‘nikdim. Shu bois zimmamdagi yigitlik burchimni astoydil bajarishga harakat qilayapman. Armiya yigit kishini chiniqtiradi, toblaydi, degan gaplarning naqadar to‘g‘ri ekanligiga amin bo‘layapman. Chunki men ham shijoat, fidoyilik fazilatlarini xizmat tufayli kashf qildim, ota-ona va yaqinlar mehrining naqadar aziz ekanligini tushundim. Muddatli harbiy xizmat davomida olgan saboqlarim o‘zimga bo‘lgan ishonchni yanada mustahkamladi. Komandirlarimiz esa menga bu borada juda katta tayanch bo‘lishmoqda. Ularning bilimdonligi, o‘zini tutishi, fidoyiligi sabab, sharafli kasb egalariga bo‘lgan bolalik havasim ulkan ehtiromga aylandi. Shu bois ustoz ofitserlar ishonchini oqlash uchun mashg‘ulotlar davomida bilimimni har tomonlama oshirishga intilyapman. Buning uchun qismimizda sharoitlar yetarli. Kutubxonada kitoblar, vaqtli matbuot nashrlari, ma’naviyat va ma’rifat xonasida esa televizor, radio kabilar bizning ixtiyorimizda. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi.

Bu yerda juda ko‘p do‘stlar orttirdim. Safdoshlarim bilan xizmatning ilk kunlaridanoq yaqin do‘st bo‘lib ketdik. O‘ylaymizki, harbiylikda o‘rganganlarimiz hayotda ham asqotadi.

Guvoh bo‘lganingizdek, sog‘lom muhitda o‘sib-ulg‘aygan, tarbiya topgan yigit uchun harbiy xizmat jismoniy va ma’naviy jihatdan yanada yuksalish va shakllanish davri bo‘lmoqda. Xalqiga, Vataniga sadoqatli, fidoyi insonlar bo‘lib shakllanayotgan mana shunday yigitlarning armiyada olgan bilimlari keyin ham asqotishini, ularning shaxs sifatida kamolga yetishida harbiy xizmat muhim poydevor, tamal toshi vazifasini o‘tashini hisobga olsak, islohotlar samarasini yaqqol anglaymiz. Biz Muxtorjon To‘rayevning harbiy xizmatni a’lo darajada yakunlab, ota-onasining ishonchini oqlashiga tilakdoshimiz.

Gulnora MURODOVA.

Dil izhori

TINCHLIKKA QALQON O‘G‘LONLARMIZ

Armiyani «hayot maktabi», deya atashlari bejiz emasligini xizmatga kelib, yanada teranroq angladim. Xizmat davomida har bir o‘g‘lon Vatan himoyachisi uchun muhim bo‘lgan ko‘plab bilimlarni puxta o‘zlashtirish bilan bir qatorda, hayotiy saboqlar olar ekan.

Qurolli Kuchlarimiz safiga qo‘shilganimga ham hademay yarim yil bo‘ladi. Bu vaqt ichida ko‘p narsani o‘rgandim. Dunyoqarashim kengaydi. Ayniqsa, jismoniy mashg‘ulotlar mobaynida chiniqayapman, toblanayapman.

O‘z ishining mohir bilimdoni bo‘lgan serjantlar hamda ofitserlar tomonidan berilgan saboqlar orqali harbiy texnikani, yurt posboni uchun zarur bo‘lgan bilimlarni, puxta o‘zlashtirishga harakat qilmoqdaman.

Oilada to‘rt farzandmiz: uch o‘g‘il bir qiz. Ota-onam sharafli sohani tanlaganimdan, Vatanimizning jasur, dovyurak posbonlari orasida ekanimdan benihoya xursandlar. Uydagilar bilan tez-tez xat yozishib turamiz. Maktublarimdan birida safdoshlarim bilan birga harbiy libosda tushgan suratimni ham qo‘shib yuborgan edim. Bundan ota-onam, ayniqsa, ukalarim hamda singlim nihoyatda xursand bo‘lishibdi.

Armiyada ko‘p do‘stlar orttirdim. Safdoshlarimning barchasi bilimdon, har ishda mohir, abjir yigitlar. Mashg‘ulotlar davomida bir-birimizni hamisha qo‘llab-quvvatlaymiz, bilmaganlarimizni bir-birimizdan o‘rganamiz. Ahilligimizga komandirlarimiz ham havas qilishadi. Otamning meni xizmatga kuzatayotib: «Haqiqiy do‘stlik armiyada shakllanadi, buni unutma!» deganlari mohiyatini endi tushunib turibman.

Safdoshlarimning ko‘pchiligi turli kasbning boshini tutishni rejalashtirib qo‘ygan. Ofitser bo‘lish, shartnoma asosida xizmatga qolishga ahd qilganlar ham talaygina.

Men ham kelgusida shartnoma asosida xizmatga qolmoqchiman. Hayotimni sharafli soha bilan bog‘lamoqchiman. Ishonamanki, bu orzuim, albatta, amalga oshadi.

Arslon AYDIYEV,
oddiy askar.

YURTGA POSBON BO‘LISH ORZUSI

Vatanni mardlar himoya qiladi, deydi aqli donishlar. Chunki yurt tinchligini asrash, el osoyishtaligiga posbon bo‘lish hammaga ham nasib etavermaydi. Shundanmi, ko‘pchilik harbiy libos egalariga havas ko‘zi bilan qaraydi.

Lavhamiz qahramoni Elnur Norpo‘latov ham sharafli kasbga mehr qo‘yganlardan. Bolalik chog‘laridan askar bo‘lishni eng katta orzusi deb bilgan, niyatiga yetish yo‘lida tinmay o‘qib, izlangan yigitga bugun tengdoshlari havas qiladilar. Chunki u Qurolli Kuchlarimiz safida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotir.

– Milliy armiyamiz safida yigitlik burchimni o‘tayotganimdan faxrlanaman, – deydi u biz bilan suhbatda. – Bilasiz, o‘quvchilik davrida ko‘pchilikda kelgusida qaysi kasbni tanlash xususidagi qarashlari to‘la shakllanmagan bo‘ladi. Shu sababli tengdoshlarim hali u, hali bu kasb egasi bo‘lishga qiziqib qolishardi. Meni esa faqatgina harbiylik qiziqtirgan.

– Farzandimning ajdodlarimiz an’analariga amal qilib, Vatanimiz himoyachilari safida ekanidan juda-juda xursandman. Axir bejizga: «Er yigit musofirchilikda, safarda va askarlikda sinaladi, toblanadi», deb aytishmagan. Bu davrda oladigan saboqlari va tajribasi unga bir umr asqotadi, – deydi oddiy askar Norpo‘latovning onasi Sayyora opa.

Darhaqiqat, yigit kishining har tomonlama barkamol, bilimli, el-yurt manfaatlarini har narsadan ustun qo‘yuvchi inson sifatida shakllanishida armiyaning roli, ahamiyati katta.

Elnur ham shu narsani chuqur anglagani bois Termiz maishiy xizmat kasb-hunar kollejida o‘qishni bitirib, mudofaa ishlari bo‘limiga murojaat qildi. Sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tgan yigit askar bo‘ldi.

–O‘g‘limning har bir yutug‘i meni quvontiradi, ko‘ksimni faxru g‘urur tuyg‘usiga to‘ldiradi, – deydi Normamat aka Norpo‘latov. – Xizmat mobaynida uning ilg‘or posbonlar safida bo‘lishini istayman. O‘ylaymanki, hayot maktabida oladigan bilimlari uning yanada ulg‘ayishiga hizmat qiladi.

Hozirgi vaqtda Qurolli Kuchlarimiz safida konstitutsiyaviy burchini o‘tayotgan o‘g‘lon zimmasidagi vazifani sidqidildan ado etishga, komandirlari buyruqlarini so‘zsiz bajarishga harakat qilib kelmoqda. Buni jangovar, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklardagi faolligidan ham bilsa bo‘ladi.

– Armiyada ko‘p narsani o‘rgandim. Bu yerda Vatanimiz tinchligini asrash, osmonimiz musaffoligini ta’minlashni shunchaki burch emas, faxr deb biladigan insonlarni ko‘rdim va bu menda sharafli sohaga nisbatan muhabbat uyg‘otdi. Shu bois muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab bo‘lgach, Toshkent oliy umumqo‘shin qo‘mondonlik bilim yurtiga o‘qishga kirishga ahd qildim, – deydi oddiy askar.

Ha, harbiy libosi o‘ziga yarashgan, qalbi ertangi kunga ishonchdan kuch olayotgan yigitning orzusiga erishishiga aminmiz.

Abdulloh NIYOZOV.

ЁШЛАР

Абитуриент – 2009

ШАРАФЛИ КАСБГА МАРДЛАР МУНОСИБ

Мана, офицерликдек шарафли касб эгаси бўлишни ният қилиб, юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширган йигитларнинг давлат тест имтиҳонларини топшириш онлари ҳам етиб келди.



Маълумки, Юртбошимиз Фармойишига биноан олий ҳарбий билим юртига ўқишга қабул қилинаётган ёшлар учун тест синови 2005 йилдан буён 10 июль санасида ўтказилиб келинмоқда. Ўқишга қабул қилинганлар рўйхати ва натижаси эса 15 июлда эълон қилинади. Бундан кўзланган асосий мақсад, ёшларга кенг имконият яратишдир. Яъни, тест синовларидан етарли балл тўплай олмаган абитуриентлар ҳужжатларини бошқа ўқув масканига топшириши, ўз имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказишлари мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун юртимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида жисмоний, тиббий, руҳий-психологик ҳамда касбий танлов шартларидан муваффақиятли ўтган ўғлонлар курсантлар сафидан жой эгаллаш учун тест синовларида иштирок этяптилар. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, тестга етиб келган ўғлонлар билан имтиҳондан олдин мутахассислар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, жорий йилда муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсияномага сазовор бўлган йигитларнинг аксарияти ҳарбий билим юртларининг турли факультетларига ҳужжат топширишган. Бу шундан далолатки, муддатли ҳарбий хизмат, Ватан ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароитлар, қолаверса, армия ҳаёти ўғлонлар қалбида шарафли касбга ҳавас уйғотмоқда.

Бугун келажагига мустаҳкам тамал тоши қўйиш ва орзусига эришиш мақсадида давлат тест имтиҳонларини топшираётган ўғлонларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОРОВ.

«МОЙ ВЫБОР – ПРОФЕССИЯ ОФИЦЕРА»

За последние годы, в ходе масштабного реформирования Вооруженных Сил Республики Узбекистан, для сотен тысяч молодых людей, с большими надеждами вступающих в самостоятельную жизнь, служба в армии становится фундаментом становления, открывает широкие возможности в выборе жизненного пути, получении высшего в том числе и военного образования. С каждым годом, отмечают специалисты, конкурс на право стать курсантом высшего военно-учебного заведения становится все серьезнее. Категории кандидатов самые разнообразные: от военнослужащих срочной военной службы до ребят, только окончивших школы и колледжи.

В целях содействия молодежи, изъявившей намерение поступать в высшие военно-учебные заведения страны, отделами по делам обороны предварительно оказывается всестороняя помощь информационного и практического плана.

В районах и областях регулярно организуются для учащейся молодежи, изъявившей желание связать свою дальнейшую жизнь с Вооруженными Силами Республики Узбекистан встречи и беседы за «круглые столом».

На этих встречах представители высших военно-образовательных учреждений подробно рассказывают абитуриентам о национальной программе подготовки офицерских кадров для Вооруженных Сил страны, информируют участников встречи о порядке подачи документов, требованиях конкурсного отбора и тестовых испытаний.

Кроме того, потенциальным абитуриентам предлагается подробная информация по профилям и специальностям обучения каждого высшего военного образовательного учреждения.

Посредством подобного диалога абитуриенты Мамарасул Ибрагимов, Рахимжон Узаков, Шовкатжон Исажонов и другие их сверстники обогатили свои знания по истории и боевым традициям военных училищ, и каждый для себя принял решение.

- Подобный тесный контакт, в ходе обмена мнениями за круглым столом, безусловно, вызвал все больший интерес к профессии офицера у меня и моих друзей, - делится впечатлениями Рахимжон Узаков. – Для себя в выборе я четко определился и 10 июля на тестовые испытания отправляюсь в Ташкентское ВОКУ.

Мамарасул Ибрагимов на своем предпочтении остановился еще два года назад в ходе обучения на водительских курсах ОСО «Ватанпарвар». Он поступает в Самаркандское ВВАКИУ, ведь, по его словам, к автомобильной технике у него повышенный интерес. Мамарасул убежден: курсантский ритм становления специалиста позволит приобрести мощную профессиональную базу.

Адхамжон Исроилов не без гордости, поделился своим мнением о возрастающей роли средств связи. Еще обучаясь в радиотехническом колледже, он выбрал Специальный факультет ТУИТ.

За плечами Хуршида Юнусова срочная военная служба в танковом подразделении. А заслуженная им в ходе безупречной службы и боевой учебы Рекомендация воинской части является весомым аргументом на тестировании. Чирчикское ВТКИУ, по словам абитуриента, его состоявшийся в ходе службы выбор.

Остается пожелать кандидатам на поступление в ВВОУ 10 июля успешно пройти тестовые испытания!

Капитан Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

Аскар уйига қайтди

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Ўғил бола борки, кичкиналигиданоқ ёғочдан от қилиб миниб ёки «аскар-аскар» ўйнаб улғаяди. Ойнаи жаҳон қаршисидами ёки уйида бўладими, ҳарбий либос кийган, алп қоматли аскар акаларини кўрганда жўшиб, «катта бўлганимда мен ҳам аскар бўламан», деган болажонларни кўп кўрганмиз.

Муддатли ҳарбий хизматни намунали тарзда ўтаб,тавсиянома билан қайтган Тоҳирбек Норқобиловнинг болалиги ҳам ана шундай таассуротларга бой кечди. Ўйинқароқлик қилиб, тўполон кўтарганида, отаонаси кўпинча «қулоқсиз бола бўлсанг, катта бўлганингда тоғангдек ҳарбий бўлолмайсан», дея тартибга чақиришарди. Орадан йиллар ўтди. Болакай камолга етиб, аскар бўлди.

Навоий вилояти Нурота тумани Мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Тоҳирбек йигитлик бурчини ўтай бошлади. Ўғлон командирлари берган сабоқларни пухта ўзлаштириб бориши, жангавор вазифани сифатли адо этиши билан хизматдош дўстларидан ажралиб турди. Машқларда тобланиб, бўш вақтларида кутубхонага боришни канда қилмади. Хуллас, ҳар жабҳада етакчи бўлган йигит қисм қўмондонлиги тавсияномасига муносиб топилди.

Хизматдан сўнг у Тошкент Давлат аграр университети ҳузурида ташкил этилган тайёрлов курсида билимларини бойитди. Ҳужжатларини университетнинг иқтисодиёт факультетига топширди ва давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлди.

– Армия менга кўп нарсани ўргатди, ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди,– дейди у. – Ҳам маънан, жисмонан шаклланишимда, энг асосийси, ҳаётда ўз йўлимни топиб олишимда ҳарбий хизматнинг ўрни беқиёс бўлди. Ҳозирда университетнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчисиман. Спорт доимий ҳамроҳим. Бундан ташқари, боғдорчилик ишларига қизиққаним боис, ётоқхона атрофидаги гулзор ва дарахтзорларни талабалар билан биргаликда парваришлаб келамиз.

–Тоҳирбек Норқобилов факультетимизнинг намунали талабаларидан,– дейди гуруҳ раҳбари Асрор Баҳриддинов.– Муддатли ҳарбий хизмат уни қанчалар тоблагани сезилиб туради. У мулоҳазалилиги, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашуви орқали тенгдошлари орасида ҳурмат топган.

Ишончимиз комилки, юксак мақсадларни кўзлаган ёшлар қайси жабҳада фаолият юритишмасин, юртимиз тараққиёти, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшажаклар.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ВАТАНИМНИНГ АЗАМАТЛАРИ

Азамат кичкиналигида жуда камгап, сипо, оғир-вазмин бола эди. Ҳамма билан ҳам ўйнайвермас, беҳуда кўча чангитгандан кўра ота-онасига ёрдам беришни ёки китоб ўқишни маъқул топарди. Бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, қатъиятли, ҳеч қачон аҳдидан қайтмайдиган бу болакайни таниган-билганлар: «Ҳойнаҳой шу бола ҳарбий бўлади-ёв!» деб қўйишарди. Тақдирни қаранглар, бугун ўша болакай юрт ҳимоячиси.

УЛҒАЙИШ ПИЛЛАПОЯСИДА

Йиллар бир-бирини қувлаганча ўтиб кетди. Бу орада мактабни, ундан сўнг Собир Раҳимов туманидаги маданият касб-ҳунар коллежини тамомлаган йигитчанинг ҳаётга муносабати анча ўзгарди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган қариндошлари ва маҳалладош йигитларининг хизмат таассуротлари кўнглидаги соҳага бўлган қизиқишни янада алангалатганди. Бугун ҳарбий хизматга ҳар ким ҳам олинавермаслиги, фақат жисмонан соғлом, ақлан баркамол, билимли йигитлар бу шарафга муяссар бўлиши мумкинлиги ҳақида билиб олган йигит тайёргарликка зўр беради. Ўқишдан бўш вақтлари тинмай изланади, мунтазам спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилади. Табиийки, қатъиятли ўғлоннинг бу изланишлари бесамар кетмади.

АРМИЯ – ҲАЁТ МАКТАБИ

Белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга отланган Азамат ҳаёт мактабида ҳам ўзини кўрсата олди. Унинг илғорлар қаторидан жой олишига, хизмат машаққатларини мардонавор енгиб ўтишига, командирлари назарига тушишига коллежда олган сабоқлари, шунингдек, мураббийси, спорт устаси, бокс бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони Йўлдош Маҳкамовдан ўрганганлари қўл келди. Сўзларимиз исботини унинг қисм миқёсида муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган бир қатор беллашувларда биринчиликни қўлга киритгани, бир неча бор қисм қўмондонлигининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланганида, бундан ташқари, энг фаол ва билимли посбонларгагина насиб этадиган тавсияномага муносиб топилганида ҳам кўриш мумкин. Ўғлон офицерлар Толибжон Суюнов, Сергей Черевек, сержант Фазли Сувонов, кичик сержант Суҳроб Ибрагимовлардан кўп нарсаларни ўрганганини миннатдорчилик билан эслайди.

ОРЗУСИ – ОФИЦЕР БЎЛИШ

Армияда Азамат нафақат тобланди, чиниқди, шунинг баробарида, келгусида қайси касб эгаси бўлиш тўғрисида ҳам аниқ тўхтамга келди: «Мен, албатта, офицер бўламан!». Этидаги ҳарбий либоси ўзига ярашган, гап-сўзларида қатъият ва ўзига ишонч сезилиб турган, Ватан тинчлигини асраш, халқ осойишталигини таъминлашга масъул шарафли касб эгалари ўғлонининг қалбида чўғ ёққан бўлса, не ажаб?!

– Хизмат давомида кўплаб дўстлар орттирдим. Акмал Тўхтаев, Саидакбар Мирзаев, Сардор Қулматов, Жавоҳир Ризаев, Баҳромхўжа Мирзахўжаевлар шулар жумласидан. Келгусида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олишни, офицер сифатида Ватанимга шараф билан хизмат қилишни ният қилганман.

Ҳа, интилувчан ўғлоннинг орзулари кўп. Халқимиз «Излаган имкон топар», деб бежиз айтмайди. Азаматнинг ҳам ниятларига етишишига ишонамиз.

Жамшид НИЁЗОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ФАРОВОНЛИК

ҲАРБИЙ ЛИБОС – ПОСБОН КЎРКИ

Ҳарбийлик шараф, ҳарбийлик ғурур ва ифтихор. Бундайин шарафли ва масъулиятли касб эгаси бўлишни истовчилар кўплиги, айниқса, ёшларимиз орасида унинг нуфузи тобора ортиб, улар қалбида соҳага нисбатан меҳр ва ҳавас уйғонмоқда. Бунинг замирида бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси мужассамдир.

Хизмат сафарларида ҳарбий хизматчилар билан мулоқотда бўлганимда, уларнинг кўпчилиги посбонлар эгнидаги ҳарбий либосга ҳавас қилиб, шарафли касбни танлашганини таъкидлашса, яна кимлардир болаликдаги орзуси бунга сабаб бўлганини айтишади.

Дарҳақиқат, қадамлари шахдам, нигоҳларида ишонч ва қатъият, хатти-ҳаракатлари дадил ва аниқ, қалбида юрти ва халқига меҳр-муҳаббат жўш урган инсон – ҳарбий либос соҳибини кўрганимизда беихтиёр унга ҳавас билан боқамиз.

Ҳарбий либос – посбон кўрки. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳарбий либосли одамни кўрганимизда кўнглимизда фахр-ифтихор, ғурур туйғулари шаклланади. Эгнига бу либосни кийган ҳар бир инсон ўзини Ватанга камарбаста деб билади.

Мақоламизда ҳарбий хизматчиларга бекаму-кўст хизмат қилиб, уларга низом талабларига мос бежирим, қулай ва ихчам бош кийимлари тикиб келаётган инсон ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида фаолият юритиб келаётган ҳарбийча бош кийимлар тикиш бўйича уста, дизайнер Алик Асатурян 23 йилдирки шу касби, ҳунари орқали ҳарбийларимиз меҳрини қозониб келмоқда.

– Ҳарбийча бош кийим тикишнинг ўзига хос мураккабликлари, услуби бор, – дейди у. – Бу касбни анча ёшлигимдан эгаллаганман. Тажрибали дизайнерлар қўлида таҳсил олиб, соҳам бўйича билим ва маҳоратимни янада юксалтирдим. Ватан ҳимоясига масъул ҳарбийларимизга хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Дизайнер ўн уч йилдан буён мазкур даргоҳда фаолият юритиб, ёзги ва қишки бош кийимларни тикиб келаяпти.

– Алик Асатурян тиккан бош кийимлар менга жуда манзур, – дейди кичик сержант Илҳом Мирзаев. – Унинг услуби, тикаётган бош кийимларидаги бежиримлик ҳар қандай инсонни ўзига тортади.

Дизайнернинг иш жараёнини кузатар эканмиз, бош кийимига ўзгача меҳр бериб ишлаётганининг гувоҳи бўлдик. У тиккан бош кийимлар бугун қанчадан-қанча ҳарбийларимиз кўркига-кўрк, салобатига янада салобат қўшмоқда.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

ТЎКИНЛИК ОМИЛИ БОБОДЕҲҚОНДА

Ўлкамизда ёз фасли ҳукмрон. Жаннатга қиёс боғлардаги ол мевалардан кўзингиз яшнайди, дилингиз қувнайди. Полизларга кўрк бериб турган тарвузу қовунлар, помидору бодрингларни таърифлашга тил ожиз. Бу тўкинлик, ободлигу мўл ҳосил ортида бободеҳқон меҳнати, қуёш тиғи остидаги ҳаловатсиз онлари, заҳмати мужассам. Мана шу фидойилик, меҳнат сабаб дастурхонларимиз тўкин, рисқимиз зиёда.

Айни дамда посбонлар дастурхони ҳам ёз неъматлари билан тўкин. Дуривор кўкатлардан тортиб, сархил мевалар, полиз маҳсулотлари уларга тортиқ этилмоқда.

Шу ўринда Ватан ҳимоячилари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бераётган меҳнаткаш инсонлар –ҳарбий хўжалик фидойилари ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Бу борада Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати бошлиғи подполковник Дониёржон Муратов қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Мудофаа вазирлиги тизимидаги ички таъминот бўлинмаларига қишлоқ хўжалиги соҳасида етук мутахассисликка эга бўлган тажрибали, билимли инсонлар етакчи қилиб тайинланган. Бундан кўзланган мақсад битта, яъни ердан унумли фойдаланган ҳолда мўл ҳосил олиш, қўшинларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришиш, посбон дастурхони доимо тўкин бўлишига замин яратиш. Айни кунларда барча округлардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминловчи бўлинмалар кўплаб турдаги ёз неъматларини йиғиштириш ва топшириш ишлари билан банд. Бу борада Шарқий ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий хўжаликлар етакчи ўринда турибди. Хўжалик деҳқонлари 752 гектар ердан унумли фойдаланган ҳолда, маҳсулотлар етиштириб келишаяпти. Хусусан Олимжон Каримов, Назирали Тўйчиевлар бошчилик қилаётган хўжалик аъзолари шу кунга қадар маълум муваффақиятларга эришиб улгуришди.

Иккала илғор хўжаликда ҳам боғлар мавжуд бўлиб, уларда етиштирилаётган олма, гилос, ўрик, шафтоли, нок каби сархил мевалар ҳарбий қисм ва муассасаларга етказиб берилаяпти.

Албатта бу мўл ҳосилда дала меҳнаткашларининг ўрни катта. Биз Олимжон Каримов етакчилигидаги ички таъминот бўлинмасида бўлганимизда хўжалик аъзоларидан Оятулло Дўстматов, Ҳамиджон Ботиров, Муҳаммадали Маҳмудовларнинг фидойи меҳнатидан мамнун бўлдик. Боғлардаги тўкинлик, полиздаги мўл ҳосил, экинлар парваришида, шубҳасиз, бу қадоқ қўлларнинг хизмати катта. Улар томонидан етиштирилаётган тарвуз, карам, булғор қалампири, ошқовоқ, ер ёнғоқ, пиёз, сабзи, помидор, картошка, сабзи маҳсулотлари Ватан ҳимоячилари дастурхони тўкинлигига хизмат қилаяпти.

Бундан ташқари, чорва моллари мавжуд бўлиб, улар учун маккажўхори, арпа сингари дон маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Айни дамда Тўйчиев етакчилигидаги ички таъминот бўлинмасида 20 гектар ердаги арпа ўриб-йиғиб олиниб, ўрнига шолғом ва турп экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Айтмоқчиманки, алмашлаб экиш учун ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Албатта деҳқон учун ҳар дақиқа вақтнинг муҳим ўрни бор.

Ҳарбий хўжаликларда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришга эътибор катта. Буни хўжаликлар ҳудудидан ўтувчи ариқ, зовур ва йўлларнинг икки ёнига манзарали дарахтлар экилганида ҳам кўриш мумкин. Бугун хўжалик аъзоларининг саъй-ҳаракати мўл ҳосил олишга қаратилган. Албатта уларнинг фидойи хизмати юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги учун муносиб улушдир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЙТАРИЛГАН БАХТ



Инсон табиати қизиқ. Унга нимани тақиқласангиз, ўшанга интилади. Бу гапимни ёлғон деб кўринг-чи, ана ўзингиз ҳам ўйланиб қолдингиз. Чунки, бу ҳолатни бир марта бўлса ҳам бошингиздан кечиргансиз. Сўзимни исботи сифатида сизга ўзим гувоҳ бўлган битта воқеани айтиб бераман..

Гуласал ёлғиз қиз. Иккита укаси бор. Шунинг учун унинг айтгани айтган, дегани деган. Гоҳида у нимани орзу қилишни билмай ҳам қоларди, чунки, ҳамма нарсаси бор. Ҳатто хонасини бутун лаш-луш, мебели билан ҳар йили янгилаб туришади, сабаби хонасидан зерикиб қолмаслиги учун. Ҳашаматли ҳовли, янги турдаги машиналар, чет эл мебеллари-ю, мармар ҳовузлар барча-барчаси охирги русумда. Аммо бу нарсалар, унга учун тариқча аҳамияти йўқ. Нимагаки, Гуласални ҳар куни эрталаб ҳайдовчи мактабга олиб боради, дарс тугаши билан олиб келади, ҳатто, Гуласалга мактабда оиласи ҳақида гапириши, бирорта синфдоши билан дўст тутиниш ҳам тақиқланган. Унинг ҳар қадами эътиборда.

Гуласал отасининг фирма директори эканлигидан хабари бор. Лекин унинг қандайдир чалкаш ишларга аралашиб қолганидан бехабар. Отаси қизининг ўз касрига қолишидан қўрқарди. Бугун у дугонаси билан келишиб қўйган режаларини амалга оширмоқчи. Ҳайдовчи Гуласални мактабга ташлаб, орқага қайтди. Шуни кутиб турган қиз мактабдан чиқиб, дугонаси билан учрашиш учун келишилган жой томон йўл олди. Икки дугона кун бўйи сайр қилишди, Гуласал умрида биринчи марта эркин сайр қилди. Хуллас, икки дугона мазза қилишди. Сайрдан сўнг дугонаси Муҳайё уни уйларига таклиф қилди. Албатта, бу Гуласал учун жуда қизиқ, сабаби, таниш ва қариндошлардан ташқари у ҳеч кимнинг уйида меҳмон бўлмаган эди. Шунинг учун дарров рози бўлди. Муҳайё дугонасини ҳовли ўртасидаги улкан ўрик тагидаги супага ўтиргизиб, ўзи уйга кириб кетди.

Гуласал ҳовлини кўздан кечира бошлади. Кафтдеккина ҳовли, айланасига қурилган ўртамиёна уйлар, гул-райҳонларнинг сўри атрофига дид билан экилганлигига қараганда хонадон соҳибасининг нозик дид эгаси эканлигини англаш қийин эмасди. Шу пайт кўча дарвозадан бошига оқ чит дурра ўраб олган, майкачанг, кийимларига оҳак юққан бир йигит кўринди. У қизга қараб бошини қимирлатиб сўрашган бўлди. Ичкаридан қўлига патнис ва чой кўтарган Муҳайё кўринди.

– Ҳа, Илҳом ака келинг чой ичамиз.

– Раҳмат, кейин чиқарман.

– Тинчликми? Раъно холам тузукмилар?

– Яхшилар, тинчлик, тинчлик, майли кейин чиқарман.

Худди айб иш қилгандек йигит Гуласалга бир қаради-ю тезда чиқиб кетди. Супага яқинлашаркан Муҳайё, тавба нимага келди-ю, нимага кетди деб елкасини қисди.

– У ким эди? – Гуласал ҳайротомуз дугонасига қаради.

– Қўшнимиз, жуда яхши бола, отаси беш фарзанд билан онасини ташлаб кетган. Бувимнинг айтишларича, Раъно хола чиройда қизларнинг олди, ошиқлари жуда кўп бўлган экан. Ҳасан тоға Раъно холага етишиш учун кўп йигитлар билан беллашганлиги ҳақида эшитганман. Лекин севгиси чин эмас экан-да, деб ўйлаб қоламан.

Аввалларида ора-сира келиб турарди, кейин-кейин келмай қўйди. Раъно хола касалманд бўлиб қолди. Бутун рўзғор ташвиши Илҳом аканинг бўйнида. Яна устига-устак оналари дам-бадам касалхонада ётадилар. «Қўй болам керак эмас, уйда ҳам даволанаверараман», десалар ҳам Илҳом ака қўймайди, онасини вақтида даволатади.

Устага шогирд тушиб, беш йил деганда ўзи мустақил ишлай бошлади. Институтга кирган эди, шароити тўғри келмагани сабаб ўқишни давом эттира олмади. Уй қуради, таъмирлайди, безайди, хуллас, нима иш бўлса қилади.

– Ке, қўй овқатдан кейин гаплашайлик, – деди Муҳайё қорнини ушлаб.

– Қорним шунақанги очди, бирон нарса еб олайлик, десам боя қўймадинг. Соатингга қара, неччи бўлибди. Ҳайдовчинг келиб қолган бўлмасин тағин. Яшириниб келгансан ахир, – деди Муҳайё, патнисдаги нонни ушатар экан.

Гуласал сумкасини титкилаб, соатини қидира бошлади ва бирдан қичқириб юборди.

– Вой Муҳай соатни қара, ўлдим. Мени мактабгача кузатиб қўясанми, адашиб қолишим аниқ, – деди Гуласал.

– Бўлмасачи, – деди қўлларини белига қўйиб, қошини кериб Муҳайё. – Ахир сиз менинг чекимга тушгансиз-ку.

Икки дугона баравар кулиб юборишди.

Кўчага чиқишганда Муҳайё худди Гуласалнинг кўнглини билгандек, – Ана Илҳом акаларнинг уйи, – деб қаршисидаги ҳовлини кўрсатди.

Икки дугона мактаб томон чопишди. Хайриятки ҳайдовчи келмаган экан. Хуллас, Гуласалнинг шу куни ажойиб ўтди.

Вақт ўтган сари Гуласал Илҳом ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. У тўғрисида кўпроқ нарса билгиси келарди.

Бу ҳақда Муҳайёдан сўрашга аҳд қилди. Ниҳоят катта танаффусга қўнғироқ чалинди. Мактаб ҳовлисидаги ўриндиқ икки дугонанинг энг севимли жойи. Мазза қилиб суҳбатлашишади. Гуласал аста муддаога ўтди.

– Муҳай, ҳалиги қўшнинг юрибдими?

– Қайси қўшним?

– Ҳалиги йигитчи, исми Илҳоммиди?

– Ҳа, юрибди нимайди? Сени йигитлар қизиқтирмасдику?

– Ҳозир ҳам қизиқтиргани йўқ, ўша куни онаси ҳақида айтиб берганингдан кейин нимагадир раҳмим келди-да.

– Ҳа, бечораларга жуда қийин. Раъно хола яна касалхонага тушганмиш, ойим айтдилар.

– Шунақа дегин, – Гуласалнинг бирдан кайфияти тушиб кетди.

– Сенга нима бўлди, бирдан ўзгариб қолдинг?, – сергак тортди дугонаси.

– Йўғ-е, нимага ўзгараман?

– Нимагалигини сен биласан, дугонажон. Илҳом акага ёрдам бергинг келаётган бўлса, марҳамат қўлингдан келади.

Муҳайё бу гапни Гуласалнинг жаҳлини чиқариш учун айтган эди. Лекин қиз жаҳли чиқиши ўрнига бирдан чиройи очилиб, «ростданми», деб юборди. Кутилмаган ҳолатдан лол бўлиб қолган Муҳайё ниманидир сезгандек бўлди. Бу сезгиси уни алдамаган эди. Бунга яна ҳам ишонч ҳосил қилиш учун дугонасини яна бир синаб кўрмоқчи бўлди.

– Раъно холани бир кўриб келсакмикин-а? Сен нима дейсан?

– Яхши бўларди-ю, мен уларни танимасам, қандай бўларкин?

– Дугонам менга шерик бўлиб келди дейман.

– Унда майли, эртага борамиз.

Гуласал куни билан бу оилага қандай қилиб ёрдам бериш ҳақида ўйлаб чиқди. Томдан тараша тушгандай пул берса бўлмайди. Дадаси ота-онасиз оилаларга, қийналганларга ёрдам беришини биларди.

«Айтиб кўрсам қандай бўларкин?», кўнглидан ўтказди қиз ва тезда бу фикридан қайтди. «Йўқ, бўлмайди». У ким, қаердан танийсан, деб сўраб қолсалар нима дейман. Пул берсаммикан. «Сиз нимага менга пул берясиз, менга пул керак деб ким айтди?» – деса нима дейман. Ҳа майли, Муҳайё бир йўлини топади. Эртага маслаҳатлашаман», хаёлидан ўтказди Гуласал. Ётишдан аввал сумкасига анча пулни жойлаб қўйди. Хаёл оғушида қанча уйқоқ ётганини билмайди, аввал ҳам дунё шунчалар гўзалмиди, кунлар, соатлар шунчалик секин ўтармиди. Ҳозир у ҳамма нарсани яхши кўриб бораётганди. Эртага Илҳом билан тўқнаш келиб қолиши мумкинлигини ўйласа, юраги гупирлаб, бирдан юзлари қизариб кетарди. «Менга нима бўлянти ўзи, у болани атиги бир марта кўрган бўлсам, лоақал гаплашмаган бўлсам, балки суйган қизи бордир», деган ўй хаёлига келдию юраги тўхтаб қолгандек бўлди, гўё. «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақда ўйлашни ҳам хоҳламайман». Кўзини маҳкам юмиб, бошини кўрпага ўраб хаёллардан қутулишга ҳаракат қилди ва хаёллар билан олиша-олиша ухлаб қолди.

Мактабда икки дугона узоқ маслаҳатдан сўнг, жисмоний тарбия дарсидан рухсат сўраб, касалхонага боришга келишиб олишди. Гуласал олиб борган пулни эса Муҳайё берадиган бўлди. Бир амаллаб дарсдан рухсат олган қизлар касалхонага отланишди. Шифохона олдидаги бозорчадан хола учун ул-бул нарсалар харид қилишди.

Хола ётган палатага яқинлашгани сари қизнинг юраги тез ура бошлади. У худди имтиҳонга кираётган талабадай ҳаяжонда эди. Қия очиқ эшикни Муҳайё оҳиста чертти. Эшикни очган Илҳом:

– Сенмисан пучуқ, таққиллатмай киравермайсанми? – деди-ю бирдан кўзи Гуласалга тушди.

–Яхшимисиз, кираверинглар, – дея стол устидаги мева пўчоқларини олиб, ташқарига чиқиб кетди.

Муҳайё Раъно ҳола билан қуюқ хол-аҳвол сўрашиб бўлганидан кейин, юзлари қизариб, уялиб турган Гуласални таништирди. – Бу Гуласал, холажон, энг яқин дугонам. У ҳам сизни кўргани келди.

– Раҳмат қизим, умрингдан барака топ, – қизга меҳр билан термулди хола.

Шу топда бу аёл Гуласалнинг кўзига жуда ғариб, бечора бўлиб кўринди. Юраги увишиб кетди. Назарида тўшакка сингиб, бир сиқим бўлиб ётган аёлнинг елкасига дунё бор ғам-ташвишини ташлагандек. Гуласалнинг ҳаёлини Муҳайёнинг овози бузди.

– Холажон дугонамнинг дадаси катта бизнесмен, кам таъминланган оилаларга ёрдам беради, сизга ҳам ёрдам бермоқчи, – деб қоғозга ўралган пулни Раъно холага тутқазди.

Кутилмаган ёрдамдан лол бўлган хола қўллари титраб уни олар экан, «бизни сийлаганни худо сийласин, биринги минг бўлсин», дея дуо қилди. – Илҳомимга қийин бўлди, – дея кўзларига ёш тўлиб, хўрсиниб қўйди.

Шу тобда Гуласалнинг бу аёлга қанчалик ичи ачимасин, таскин бериш учун тилига бирор сўз келмасди. Яна жонига Муҳайё оро кирди, у топа олмаётган гапни айтди.

– Холажон ҳали ҳаммаси олдинда, Илҳом акам ҳаммасини уддалайди, сиз ҳам бу дардларни кўрмагандай бўлиб кетасиз.

– Айтганинг келсин қизим, раҳмат. Овора бўлибсизларда, лекин сизларни кўриб дилим яйради.

– Вой овораси бормикан, холажон. Майли биз борайлик, дарсдан бир соатга рухсат сўраб келган эдик.

Раъно хола қўлларини дуога очиб, узоқ дуо қилди, пичирлаб айтгани учун қизлар эшитишмади, лекин ҳар бир сўзи юракдан чиқаётганини улар ҳис қилиб туришарди. Қизлар энди турган ҳам эди-ки, Илҳом кириб келди. У қизларни кузатиб ташқаригача чиқар экан, уларга миннатдорчилик билдириш орасида Гуласал билан ҳам танишиб олди. Илҳом у берган пулдан хабар топгач, устидан муздек сув қуюлгандек бўлди. Онасининг "болам, олавер улар кам таъминланган оилаларга ёрдам беришар экан", деган сўзлари гўёки узоқлардан эшитилаётгандек туюлди. Пулни олиб бориб бермоқчи ҳам бўлди, лекин Гуласал билан ораси бузилишидан чўчиди. Чунки Илҳом ҳам қизга нисбатан бефарқ эмасди, уни бунчалик бадавлат деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

Кўнгил иши қийин деб шуни айтишар экан-да. Илҳом энди яна ҳам кўпроқ ишлашга, даромад қилишга аҳд қилди. Чунки бошқаларнинг назарида кам таъминланган оила бўлишни хоҳламасди. Бугун биринчи марта ўзини жуда ожиз ҳис қилди. Биринчи марта отасидан нафратланди. Биринчи марта ўзига-ўзи сўз берди: «ҳеч қачон оиламни ташлаб кетмайман, болаларимга албатта меҳрибон ота бўламан». Ўқишини давом эттира олмаганига ачинди. Кўнглидан шу ўйлар кечар экан, беихтиёр қўллари алам билан мушт бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди.

У ғайратли, шижоатли бўлса ҳам турмушнинг мушти уни руҳан эзиб қўйганди.

Ана-мана дегунча бу воқеага ҳам уч ой бўлибди. Бу ойлар ичида Илҳом тинимсиз ҳаракат қилди, қилган ишларини кўриб, ман-ман деганлар ҳам буюртма бера бошлашди. Бу орада Илҳом гарчанд қиз билан учрашмаган бўлса-да, унга Муҳайёдан икки марта байрамларни баҳона қилиб гулдаста ва совға бериб юборди. Мактаб охирлаб, сўнгги қўнғироққа ҳам саноқли кунлар қолди. Гуласал бу орада олийгоҳга киришга тайёрланаётганди.

(Давоми бор).

Баноат ЮНУСОВА.

КОИНОТ

СОМОН ЙЎЛИДАГИ ЧАНГ ТАҚСИМОТИ ХАРИТАСИ ТУЗИЛДИ

Фалакиётшунос олимлар Сомон йўлидаги чанг тақсимотининг энг батафсил харитасини тузиб чиқдилар. Жумладан, олимлар ўзига хос юлдуз «туғруқхона»лари бўлиши мумкин бўлган тўдаларни каталоглаштирдилар, деб хабар қилинади Европа жанубий обсерваторияси (ESO) сайтида берилган матбуот релизида.

Тадқиқотлар доирасида олимлар тўлқинларнинг субмиллиметрли диапазонида олиб борилган осмон кузатувлари маълумотларидан фойдаландилар. Фалакиётшуносларнинг таъкидлашича, айнан мазкур диапазонда чанг булутлари айниқса яхши кўринади. Кузатувлар Чили Андларида денгиз сатҳидан 5100 метр баландликда жойлашган APEX телескопи ёрдамида олиб борилди.

Яратилган харита эни 2 даражадан бироз ошиқроқ бўлган узун (40 даражадан ортиқ) чизиқ кўринишига эга. Бу чизиқ кўз илғайдиган галактик текисликнинг бир қисмини қоплайди. Харита ечими 400 га 16000 пикселни ташкил этади. Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу харитани ишлаб чиқишда асосий қийинчилик осмонни субмиллиметр диапазонда кузатиш учун алоҳида об-ҳаво шароитлари ва юқори аниқликдаги техника талаб этилишида бўлди. Тадқиқотчилар янги харита юлдузлар пайдо бўлиши жараёнини ўрганиш билан шуғулланувчи олимларга ёрдам беради, деб умид қилмоқдалар. Ҳозирги тасаввурларга кўра, юлдузлар газ-чанг булутларининг гравитацион (тортишув) коллапси натижасида юзага келади. Демак, чанг тўпламлари юлдуз «туғруқхона»лари, яъни юлдузлар фаол юзага келадиган минтақалар номини олиш учун ажойиб номзод сифатида намоён бўлади.

Фазовий чанг фалакиётшуносларнинг доимий қизиқиш объекти бўлиб келмоқда. Бу борадаги тадқиқотларнинг изчил давом эттирилиши янги кашфиётларга олиб келишига шубҳа йўқ.

ФЕЕРИЧНОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ В ТУМАННОСТИ УЛИТКА

Астрономы обнаружили огромное количество газопылевых узлов в туманности Улитка (NGC 7293). Происхождение этих объектов ученые объяснить пока не в состоянии. В рамках исследования астрономы изучали Улитку при помощи телескопа Subaru, который располагается на Гавайских островах. Они наблюдали данный объект, расположенный на расстоянии 710 световых лет от Земли, в инфракрасном диапазоне спектра.

В результате им удалось установить, что в туманности имеется более 40 тысяч гигантских узлов - газопылевых образований диаметром несколько миллиардов километров. Суммарная масса этих объектов - более 30 тысяч земных.

На фотографиях, полученных учеными, хорошо видно, что эти узлы имеют кометообразную структуру. Их «хвосты» представляют собой потоки газа, ионизированного излучением останков звезды. По словам исследователей, пыль, входящая в состав узлов, предохраняет водород внутри от немедленного «выветривания» потоками заряженных частиц.

В настоящее время исследователи затрудняются объяснить природу узлов. Они полагают, что это могут быть останки планетарной системы, которая существовала у звезды до ее гибели. С другой стороны это может быть структура, характерная для всех планетарных туманностей. По словам ученых, для выяснения природы объектов необходимы дальнейшие наблюдения.

Планетарные туманности являются результатом гибели звезд относительно небольшой массы. В конце жизни подобные звезды сбрасывают верхние слои своей атмосферы. Именно эта материя и образует туманность. Время формирования пылевого скопления составляет от 10 тысяч до миллиона лет.



ЭНЦЕЛАД ЮЗАСИ ОСТИДА ОКЕАН БОРМИ?

2005 йилдан буён Сатурн тизимида саёҳат қилиб юрган «Кассини» зонди мазкур тизимдаги иккинчи йўлдош – Энцеладнинг муз билан қопланган юзаси остида нафақат сув, балки бус-бутун океан мавжуд бўлиши мумкинлигидан далолат берувчи далилларни қўлга киритди. Бу эса унда ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, деган таҳминларни келтириб чиқарди.

Энцелад – Қуёш тизими таркибидаги ҳозирда фаол тектоник жараёнлар кузатилаётган кам сонли жисмлардан биридир. Ушбу кичик йўлдошнинг (унинг диаметри 500 км атрофида) жанубий қутби ёнида 4 та бир-бирига параллел 100 км.ли тектоник ёриқлар бўлиб, у ердан товуш тезлигидан ҳам ортиқ тезликда буғ ва муз парчалари оқими отилиб чиқади ва минглаб километр фазога тарқалади.

Энцеладдан отилиб чиқаётган буғ ва муз Сатурннинг ўзига хос ташқи доираси – Е ҳалқаси шаклланиши манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Гейдельберг университети олими Франк Постберг ва унинг ҳамкасблари «Кассини» бортидаги фазовий чанг анализатори ёрдамида ана шу доирадан олинган заррачалар таркиби ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқдилар.

«Биз Е ҳалқасида натрий тузларига бой бўлган (оғирликнинг 0,5%–2%) заррачаларни аниқлаганимизни маълум қиламиз. Бу эса фақатгина оқимлар (яъни Энцеладдан отилаётган) суюқ сувли резервуардан чиқиб келадиган ҳолатда юзага келиши мумкин», – деб таъкидлайди олимлар.

Е ҳалқаси таркиби ҳақидаги маълумотлар «Кассини» томонидан аппарат бевосита унинг орасидан учиб ўтаётган пайтда олинган. «Ушланган» заррачаларнинг аксарияти сув музидан иборат бўлиб, уларнинг 6 фоизга яқини «шўр» бўлиб чиқди – уларнинг таркиби 1,5 фоизга яқин натрий хлориди (яъни, оддий ош тузи), шунингдек, натрий карбонати ва карбонат кислотасининг натрийли тузи (озиқ-овқат содаси) аралашмаларидан иборат эди.

Тадқиқотчилар таҳминича, бу заррачалар - Энцелад юзаси остидаги «гейзер»лар манбалари жойлашган океандан чиққан музлаган сув томчилари бўлиши мумкин.



Шу билан биргаликда, Колорадо университети вакили Николас Шнейдер раҳбарлиги остидаги бошқа бир тадқиқотчилар гуруҳи Е ҳалқаси таркибини спектрографик усуллар билан ердаги асбоблар ёрдамида ўрганиб чиқди ва ундаги газ таркибида етарли даражада натрий атомлари борлиги ҳақидаги маълумотларни қўлга киритмади. Тахминларни текшириш мақсадида олимлар фазовий кенгликка отилиб чиқаётган сув буғидаги натрий миқдорини аниқлаш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказдилар. Кузатувлар Кек 1 ва Англия-Австралия телескопи орқали олиб борилди. Натижада тадқиқ қилинган сув буғида натрий деярли йўқлиги аниқланди. «Афсус: гейзерлар ҳақидаги тахмин тасдиқланса зўр бўлар эди, – дейди жаноб Шнейдер. – Аммо бунга ҳеч қандай далил топилмади».

Хўш, нега икки илмий гуруҳ қўлга киритган натижалар турлича бўлди? Қайси натижа ҳақиқатга яқин? Буни эса янада пухта, синчковлик билан давом эттириладиган изланишлар аниқлаб берса, ажаб эмас.

ОБНАРУЖЕН ОЧЕРЕДНОЙ ОГРОМНЫЙ ЗВЕЗДНЫЙ «РОДИЛЬНЫЙ ДОМ»

Астрономы обнаружили огромный звездный «родильный дом» на расстоянии 14 тысяч световых лет от Земли. СТВ 102 представляет собой облако, состоящее из горячего водорода и плазмы. Подобные участки Вселенной обозначают термином «область H II».

В областях H II за несколько миллионов лет могут рождаться тысячи звезд. Это очень быстро по космическим меркам. СТВ 102 в поперечнике достигает 380 световых лет. По мнению астрономов, облако так разрослось по той причине, что звездные ветры от самых горячих новорожденных светил «сдули» окружающие их пыль и газ.

Нигерийские боевики в понедельник объявили о захвате заложников из состава экипажа танкера-химовоза Sichem Peace, в том числе граждан России. В их заявлении, которое, со ссылкой на иностранные агентства, цитирует РИА «Новости», говорится, что захват произошел в воскресенье примерно в 40 километрах от нефтяного терминала на реке Эскравос.

В Дании введен максимальный уровень тревоги

Максимальный (шестой) уровень тревоги введен со вторника, 7 июля, в Дании в связи с опасностью заражения гриппом A/H1N1. Об этом сообщило Управление общественного здравоохранения страны.

Решение повысить уровень тревоги принято медицинскими властями государства в рамках новой стратегии, предусматривающей сосредоточение всех ресурсов на борьбе с заболеванием среди лиц, входящих в «группы риска» - с ослабленным иммунитетом или хроническим бронхитом.

Ирландский авиаперевозчик предлагает летать стоя

Глава бюджетной авиакомпании Ryanair Майкл О'Лири хочет, чтобы пассажиры совершали перелеты стоя, - так в салон самолета поместится больше народа, а компания получит больше прибыли.

О'Лири уже провел переговоры с американской авиастроительной корпорацией Boeing о проектировании самолета со стоячим салоном.

Россия стала вторым в мире экспортером зерна

По итогам 2008-2009 зернового года Россия экспортировала 21,2 млн тонн пшеницы и ячменя и стала вторым после США игроком мирового зернового рынка, свидетельствуют данные аналитического центра «Русагротранс», которые приводит «Финмаркет».

Доля России в поставках зерна на мировой рынок с июля 2008 года по июль 2009 года составила 14%. Больше нее пшеницы и ячменя на мировой рынок поставляет только США - 17%. Третье место занимает Украина - 12,4%, или 19 млн тонн зерна.

Pagani Zonda Cinque – будет выпущено всего 5 машин

Итальянский производитель суперкаров Pagani представил свою эксклюзивную новинку – родстер Zonda Cinque. «Cinque» с итальянского переводится как «пять» - именно столько машин обещает выпустить компания.

Под капотом родстера установили 678-сильный 7,3-литровый двигатель V12 производства AMG, работающий в паре с 6-скоростной секвентальной трансмиссией. До 100 км/ч машина разгоняется за 3,4 секунды.

(www.NEWSru.com).

ИҚТИСОДИЁТ

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР – АМАЛИЁТГА

Тошкентда “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тармоқ инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда нафақат ушбу компания бўлинмалари, балки “Ўзбекэнерго”, “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниялари, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси корхона ва илмий муассасалари, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, Фанлар академияси институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа субъектлар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада ошириш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош ва сифатли инновацион маҳсулотларни олиб чиқишни таъминлашда инновацион ишланмалардан фойдаланишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маҳаллий нефть-газ соҳасини ривожлантиришга инновацион жиҳатдан ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва бозорда рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ўз мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун самарали усул ҳисобланади. Бу мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб, нафақат миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва жаҳон инқирозининг унга салбий таъсирини юмшатиш имкониятини берди, балки уни янада ривожланиши учун пойдевор ҳам яратди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида айнан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этишга катта аҳамият берилган.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси У.Назаровнинг таъкидлашича, бу галги кўргазмадан асосий мақсад, республикамизда нефть-газ ва бошқа соҳаларни янада модернизациялаш учун замонавий технология ва техник ечимларни излаб топишдан иборат.

Кўргазмада инновацияларни ишлаб чиқарувчилар корхоналарнинг амалиётчи-мутахассисларига ўз ишларини намойиш қилди. Уларни жорий этиш билан ишлаб чиқариш жараёнини янада яхшилаш, сифатли маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш имконияти кенгаяди.

«ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти бўлим мудири, техника фанлари номзоди Т.Қорабоев бошчилигидаги илмий жамоа нефть қудуқларига сув чиқариш бўйича янги услубни ишлаб чиқди. Махсус материалларни қўллаш орқали амалга ошириладиган селектив изоляция сув чиқаришнинг салбий таъсирини камайтиради. Ушбу янги ишланма Муборак ва Шўртан конларида муваффақиятли синовдан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти бактериал фосфор-гумин ўғитларини олиш биотехнологияси ишланмасини тақдим этди. Улардан фойдаланилганда ўсимлик ўзининг ҳар бир ўсиш фазасида керак бўладиган фосфор миқдорини истеъмол қилади ва сувда эриш туфайли фосфор қолдиқлари ювилиб кетмайди.

Олимлар корхоналар учун углеводородларни қўшимча қазиб олиш имкониятини берадиган кўплаб бошқа инновацион ишланмаларни ҳам тайёрлаб қўйдилар. Булар нефть-газ қудуқларини бурғулаш ва мукаммал таъмирдан чиқаришда қўлланиладиган, маҳаллий хомашё негизида яратилган юқори тезликдаги полимер реагентлар, яна бир янгилик – кичик дебитли қудуқлардан углеводородларни саралаш интенсификацияси учун зарур пропантлар ишланмаларидир. Нефтни йиғиш ва тайёрлаш тизимида қўлланиладиган унификациялаштирилган услуб ҳам мутахассислар эътиборини тортиши аниқ.

Келгусидаги вазифа – истиқболли инновацион ишланмаларни тезда корхоналар амалиётига татбиқ этиш учун олимлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалий алоқаларни йўлга қўйишдан иборат.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Комплекс соҳаларининг ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмашуви жорий этилишини ҳамда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

2009 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича 834,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди (2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,1 фоизни ташкил этди). Жумладан, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 451,2 млрд. сўмни (140,8 фоиз) ташкил этди.

Экспорт бўйича прогноз кўрсаткичлари 128 фоизга, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар режаси 120 фоизга бажарилди.

Мажлисда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ҳамда маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва хомашё ресурсларидан омилкорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш сингари устувор вазифаларнинг ижроси, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмашувини жорий этиш, Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорининг ижроси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомининг аҳволи алоҳида таҳлил этилиб, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлашда раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бугунги шароитда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг ижобий сурьатини сақлаб қолиб, ижтимоий туб ўзгаришларни таъминланмоқдамиз. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодиётни модернизация қилиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, ички талабни рағбатлантириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолининг бандлик даражаси ва даромадларининг ўсишини таъминлашга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга кенг кўламда татбиқ этиш барқарор ривожланишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилгани сабаб, 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди. Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади. Шу маънода 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди.

Маълумки, мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади.

Аввало, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Қолаверса, инфратузилмани ривожлантириш янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Яхши биламиз, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилиниб, унинг бажарилиши назоратга олинган.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар аҳоли бандлиги борасида мамлакатимизда қилинаётган ишлар хусусида хулоса чиқаришимизга ёрдам беради.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 208,6 мингта янги иш ўрни (2008 йилнинг биринчи чорагида 170 мингта), жумладан қишлоқ жойларда 148,2 мингта иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, айнан Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 53,8 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнесда 91,7 мингта, хизматлар кўрсатиш соҳасида қарийб 54 мингта иш ўрни яратилди. Аҳоли бандлик даражаси юқори бўлмаган 30 та туманда 31 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, касаначиликни ривожлантириш учун рағбатлар тизими, касаначиликни ривожлантириш негизида корхоналар ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш қўшимча равишда 50 мингдан ортиқ, жумладан корхоналар билан биргаликда 23,1 минг, пудрат ва онлавий бизнес шартномалари асосида 27,5 минг янги иш ўрнини яратиш имконини берди. Республика бўйича жами 280 мингдан ортиқ киши касаначиликка жалб етилди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш аҳоли бандлигининг 2,7 фоиз ўсишига ёрдам берди, иш билан бандлар сони ўтган йилги кўрсаткичга қараганда 293,2 минг кишига кўпайди ва қарийб 11 миллион кишини ташкил қилди.

Ўртача белгиланган иш ҳақи 40,2 фоиз, пенсияларнинг ўртача миқдори 51,9 фоиз кўпайди. Жорий йилнинг январ-феврал ойларида аҳолининг пул даромади 21,5 фоизга ошди.

Маълумотларни таҳлил қилар экансиз, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётгани, бу эса ўз самарасини бераётганини англайсиз.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ИФТИХОР

«ГЕРБИМИЗ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ»

Ватан тимсоллари ҳақида муҳтарам Юртбошимиз шундай деган эдилар: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир». Давлат рамзлари... Дарҳақиқат уларнинг ҳар бирида улуғ миллатимизнинг қиёфаси, қайноқ қалби, бунёдкорлиги-ю куч-қудрати акс этиб туради. Кўнглимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотувчи рамзлардан бири бу Давлат гербидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томонида буғдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта чаноқлари суврати туширилган чамбардан иборатдир. Гербимизнинг юқори қисмида Республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Булар барчаси халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмидаги республика Давлат байроғини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига «Ўзбекистон» сўзи битилган.



Мустақиллигимиз қутлуғ рамзларидан бўлган гербнинг қабул қилинган куни муносабати билан юртимизнинг турли жойларида маърифий тадбирлар амалга оширилди. Ана шундай тадбирлардан бири офицер Қудрат Худойберганов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда республика Маънавият тарғибот марказининг вакили шоира Ҳалима Жуманиёзова, Ёзувчилар уюшмасидан шоир Чоршаъм Рўзиев, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлимидан Убайдулло Олтинов ҳамда масъул офицерлар иштирок этишди. Давлат рамзлари ва уларнинг давлатлар учун нечоғли улкан аҳамияти, рамзлар ва уларнинг тарихига оид турли қизиқарли маълумотлар ҳақида Убайдулло Олтинов йиғилганларга гапириб берди.

Ватан ва унинг қутлуғ туғлари, белгилари ҳақида ижод аҳлидан ҳам ўтказиб гапирадиган киши бормикан?! Бу борада шоира Ҳалима Жуманиёзованинг гербимиз ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашлари посбонларимизни ҳам тўлқинлантириб юборганлиги шубҳасиз. Айниқса, қизиқарли маърузанинг она Ватанни тараннум этгувчи шеърларга уланиб кетиши барчани мамнун этди.

Шоир Чоршаъм Рўзиевнинг Ватан, вафо ва садоқатни куйловчи шеърларини ҳам йиғилганлар хушнудлик билан кутиб олдилар. Айниқса, «Бухоро барибир бошқача» шеъри жаранглаганида зал гулдурос олқишларга тўлди. Шунингдек, тадбирда давлат гербига бағишланган фильм ҳам намойиш этилди.

– Ҳарбий қисмда турли маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиб келинади, – дейди сержант Рустам Ғозиев. – Бу галги тадбир Ватан тимсолларига бағишланганлиги билан янада кўнглимизга яқиндир. Маърузачиларнинг ҳар бири тарих ва бугунимиз билан боғлиқ кўпдан-кўп маълумотларни биз посбонлар билан ўртоқлашдилар.

– Давлат гербимизга бағишланган мазкур тадбир узоқ вақт ёдимизда сақланиб қолади, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Отабек Каримов. – Мен Ватанни мадҳ этувчи шеърларни севиб ўқийман, тинглайман. Бугунги тадбирда ана шундай шеърларнинг ўқилиши сафдошларим қатори мени ҳам хурсанд қилди. Бундан ташқари герб ҳақидаги фильмда ҳам қизиқарли маълумотлар анчагина экан. Бу фильм менда катта таассурот қолдирди.

Ватан тимсоллари ва уларнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида кенг ва батафсил сўз борган ушбу маърифий тадбир посбонларимиз маънавий тарбиясида сезиларли ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

ОЗОД ЮРТГА ПОСБОН БЎЛИШ БАХТИ

Абдуваҳоб Абдуллаев деган қўшним бор. Резервдаги офицер. Яқинда, яъни баҳорда ўғлини муддатли ҳарбий хизматга жўнатди. Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан жорий этилган янгилик асосида фарзандини муддатли ҳарбий хизматга кузатди. «Йиғин пунктида уни ҳарбий либосда кўриб, ҳаяжонландим. Кечагина фуражкамни кийиб қочадиган бола бугун юрт ҳимоясига отланяпти. Ватан юкига елка тутадиган ёшга етибди, эл фарзандига айланибди. Мен шундан бахтиёрман». Ота қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни, фахр, ғурурни кўзлари ҳам «сўзлаб» турибди.

Шўролар даври эди. Қишлоғимизда «Байрам отанинг қурилиш батальонида хизмат қиладиган ўғлининг тобути келибди», деган шумхабар тарқалди. Бола эдик. Бу фожиага унчалар эътибор бермабмиз. Дала-даштда қўй боқиб юрадиган беозор бу инсоннинг кўзларига, юзларига мунг, ҳасратнинг сурати чизилди, қолди. Буни кейинчалик англадим, ҳис қилдим. Ҳа, ҳар иккала отанинг кўзларидаги ифода хаёлимдан кетмайди. Биридан истиқлолга, озод, обод ва фаровон ҳаётга бўлган ишончни англадим. Иккинчисидан умидсизлик, тузумга нисбатан ишончсизликни...

Хизмат сафарларида бўлганимда кўпинча оддий аскарлар билан суҳбат қураман. Бугунги озод ва ҳур замон, юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгариш, янгиланишлар залворини қандай ҳис қилишлари мени қизиқтиради. Уларнинг ҳарбий хизмат ҳақида шунчалар мароқ билан сўзлашларига қулоқ тутиб, бугун Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, Ўзбекистон аскари деган сўзлар қанчалар фахр, қанчалар ғурур, шараф билан жаранглашини англайман. Улардан «нега аскар бўлдинг?», дея сўраб кўринг. «Юртимни, мустақиллигимни мен ҳимояламасам, ким ҳимоялайди», дейишади. Ёки бўлмаса «Буюк аждодлар анъаналарига содиқ қолиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат, жамият қуриш учун», дейди. Маржондек тизилган чиройли сўзлар билан айтолмаса, иши, эзгу амали билан айтади. Мустақил юрт манфаатини ҳимоя қилиш, унинг истиқболи йўлида ёниб яшашга ундаётган қалби, юраги билан айтади.

Ўзбекистон посбони бўлишдан, муқаддас заминимизни, нурли истиқбол сари интилаётган юртини ҳимоялашдек, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек масъулиятдан фахрланиш, ғурурланиш сезаётган посбонлар билан суҳбат қуриб зерикмайман. Ҳа, уларнинг миллий истиқлол ғоялари сингган онгида, ҳатто депсиб турган юрагида Ватан суратини кўрасиз.

Ўсиб келаётган бу навниҳолларга ғаразли, ёмон ният-ла яқинлашманг. Вужудидаги оташ куйдириб қўяди, сизни. Негаки, Ўзбекистонимиз нурли истиқболи йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган бир улкан кучдан «озиқланади», бу оташ.

«Шуҳрат» медали соҳиби бўлган бир аскар йигит – Маъруфжон Ҳайдаров ҳақида мақола ёзгандим. У ҳақдаги таъсирчан воқеа ҳали-ҳануз эсимдан чиққани йўқ.

...Тартиббузар шунқор йигит қўриётган постга бостириб келади. Низом бўйича қўллаган талаблари унга кор қилмайди. Шунда оддий аскар армияда — йигитлик мактабида қўл жангидан олган сабоқларини ишга солади. Мардлик, ватанпарварлик билан ёвузлик, ғаламислик тўқнаш келди. Бир-икки усулни бажариш орқали тартиббузарни ерга юзтубан йиқитди, ўғлон.

Эзгулик ҳамиша ғолиб дейдилар. «Бугуннинг қаҳрамонлари ана шундай бўлиши керак», деган гапимга камтарона қилиб «Юрт тинчлигини қўришдан ҳам ортиқ эзгулик бўларканми?!», деганди у.

Ён дафтарчамда «оддий аскар Мирзаев чегара бузғунчилари йўлига тўғаноқ бўлиб, ғаламислар отган ўқдан яраланган бўлса-да, бурчини охиригача шараф билан уддалади», деб ёзиб қўйган эканман. Эсладим. Бу «Жасорат» медали соҳиби оддий аскар Санжар Мирзаев ҳақидаги мақолага олинган маълумотлар. Ўша воқеа ҳам хаёлимда гавдаланди.

... Овоз эшитилган жойга яқинлашиб, ёритгич билан атрофни кузата бошлашди. Қамишлар шитирлаб, номаълум кимсалар жойидан қўзғалишди.

«Тўхта, ким?!» – совуққонлик билан деди оддий аскар Мирзаев. Чегара бузғунчилари бунга жавобан автоматдан ўқ ёғдиришди. Қўрқоқ олдин мушт кўтаради, деганлари шу-да. Ўзларича посбонларимизни қўрқитишмоқчи, саросима солишмоқчи бўлишдими. Ватан туйғуси орқали юрагидаги кучи уйғонган бу алпларни чўчитиб, енгиб бўлибсанлар. Аммо ўқ ёмғири ўз ишини қилди. Олдинда бораётган оддий аскар Санжар Мирзаев ўнг елкасидан яраланди...

«Мени қўяверинг, ўртоқ кичик сержант, чегарабузарларни ушлаш керак. Бир амаллаб автоматни ишлатишга, сизни тўсиб туришга ҳаракат қиламан». Ярадан қон сизиб, ҳолсизланиб бораётганига қарамай, хизмат бурчини, юрти сарҳадига ноқонуний киришга уринган кимсаларга зарба беришни ўйларди, посбон.

Воқеани таҳлил қилиш, шарҳлаш ортиқча. Фақат бир савол пайдо бўлиши мумкин. Аскар бундай кучни қаердан олди? Жавоб тайин – халқига, юртига бўлган садоқатдан. Туғилиб ўсган, киндик қони томган заминга муҳаббатдан. Ҳа, ана шу кучни, ана шу қудратни мустақиллигимиз берди.

Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик тўйида юксак мукофот билан тақдирланган аскар онаси шундай деганди: «Ватанни севиш, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиш, юрт шаъни учун садоқатли, жасоратли бўлиш мард йигитнинг ишидир. Бугун менинг фарзандим мана шундай мард ўғлонлар сафида эканидан беҳад қувонаман. Бу – тонгларга уланган бедор тунларим, аллаларга қўшилган ширин орзуларим, отасининг ушалган умидлари, оиламизнинг обрўйи ва келажагидир».

Ҳа, бугун озод юрт посбони мақоми юксак. Уларнинг сурати ҳам сийрати ҳам бир – жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқига чексиз садоқати билан ажралиб турган марду майдонлар. Шуларни ўйлаганда, хаёлдан кечирганда, энг улуғ неъматимиз – мустақиллигимизга такрор-такрор шукроналар айтгим келаверади.

Майор А.САФАРОВ.

АДАБИЁТ

БОБУРШОҲ МАКТУБЛАРИ

Одамга ҳаққоний таъриф бериш қийин. Агар таърифланаётган киши марҳум бўлса, бу янада мушкул. Масалан, сизга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ким, деб савол берсам, буюк давлат арбоби, Бобурийлар сулоласининг асосчиси, саркарда, шоир, аллома, дилбар шахс дейсиз, албатта. Тўғри. Аммо бу таърифлар Бобурни бор бутунича, зафарларию мағлубиятлари, қувончларию қайғулари, қисқача айттанда, унинг туғилганидан то вафотигача кечмишини ўзида қамраб ололмайди. Табиий, бу мумкин ҳам эмас.

Яқинда китоб дўконларининг бирида "Бобурнома"нинг ҳозирги ўзбек адабий тилига ўгирилган нусхасини кўрдим ва сотиб олдим. Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева ўгирмаси "Ўқитувчи" нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан чоп этилибди.

Китобни ташна бир одамдек ўқишга тутиндим. Ваҳоб Раҳмоновнинг сўзбошиси гарчи Бобур шахси ва "Бобурнома" тўғрисида бутунлай илмий асосланган далиллар, фикр ва қарашлар билан ёзилган бўлса-да, уни охиригача ўқий олмадим. Сабрим дош бермади. Китобнинг 29-саҳифаси "Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил воқеалари"дан бошладим, ўқишни. Оҳанрабо дейсиз. Лоф деб ўйласангиз-да, Бобур билан Андижондан то Ҳиндистонгача, Ҳумоюн мирзо хасталаниб, унинг дардини ўзига сўраб, вафот эттунига қадар, суҳбатдош бўлдим. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги аввалги қарашларим синди, ўзгарди. У ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг бири эди. Умри давомида самимий яшади. Адашди. Топди. Йўқотди. Худди сизу биздек. Барибир йўлидан қайтмади. Дунё занжирдек шалдираб эргашди унинг ортидан...

Ортиқча таърифга берилдим. Узр. Мухтасар айтадиган бўлсам, Бобурни билмоқчи бўлсангиз "Бобурнома"ни ўқинг. Бугунги ҳарбий, Ватан ҳимоячиси учун бу китобни бир ойна, деб айтсам, рад этишга шошилманг. "Бобурнома"ни қўлингизга олинг. Дашту далаларда, жарликларда, дарёларда, жангу жадалларда Бобур тимсолида ҳозир ёнингизда яшаётган одамларни кўрасиз. Асарнинг айрим ўринларида эса устозим айттанидек, "худди ўзим-ку дейсиз қайта-қайта ҳайратланиб". Балки, бу китобни яна бир бор ўқиб чиққанингиздан сўнг дунёга, Бобурга нисбатан қарашингизда ўзгариш содир бўлар ва бу ҳақда, албатта, "Ватанпарвар"га ёзарсиз, деган умиддамиз.

Қуйида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн мирзо номига биттан мактублари билан танишасиз.



Биринчи мактуб

Ҳумоюнга муштоқликлар билан соғиниб салом дегач, сўзим ушбуки, раби ул-аввал ойининг ўнинчисида, душанба куни Беккина билан Баёншайх келдилар. Уларнинг хат ва арзларидан сўнг тоғнинг у ва бу тарафидаги аҳвол аниқ маълум бўлди.

Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,
Санга фарзанду, манга дилбанде.

Тангри таоло бундай севинчларни менга ва сенга ҳамиша насиб этсин, омин ё раббил-оламин. Исмини Алъамон қўйибсан. Тангри муборак қилсин. Аммо шундай бўлса-да, ўзинг ёзганингдек, ғофиллик қилибсанки, бу исмни кўп қўллаганда, авом Аламо ёки Эл Амон дедилар, "алиф" ва "лом"нинг бундай қўшилиб келиши исмда кам учрайди. Тангри оти ва зотини қутлуғ ва муборак қилсин, менга ва сенга узоқ умр берсин, Алъамон кўп асрлар давлат ва саодатли бўлсин.

Тангри таоло ўз фазли ва карами билан бизнинг ишларимизни ўнглади. Бундай омад ва зафар юз йилларда ҳам топилмас. Яна ойнинг ўн биринчисида, сешанба куни Балх халқи Қурбонни чақириб, уни Балхга киритганмиш, деган миш-мишлар ҳам етиб келди.

Яна Комронга ва Кобулдаги бекларга бориб сенга қўшилишга ва ундан Ҳисорга ёки Самарқандга, умуман, давлат осойишталиги қаерни тиласа, ўша ерга жўнайсизлар, деган фармон бўлди. Тангрининг инояти билан душманни енгиб, худо хоҳласа, вилоятларни қўлга олиб, дўстларни шод ва душманларни остин-устин (хор) қилгайсизлар. Сизларнинг жонни тикиб, қилич соладиган пайтингиз келди. Омадингиз келганида, уни бой бериб қўйманг. Бепарволик ва сусткашлик билан подшоҳлик мувофиқ келмайди.

Жаҳонгири тавақкуф бар наёбад,
Жаҳон онро бувад кў беҳ шитобад.
Ҳама чизи зи рўи кадхудои –
Сукун меёбад илло подшоҳий.

Мазмуни:

Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди,
Ким яхши тиришса, жаҳон ўшаники бўлади,
Ҳаётда ҳар бир нарса(нинг) тўхташи мумкин,
Аммо подшоҳлик тўхтамайди.

Агар Тангрининг марҳамати билан Балх ва Ҳисор вилоятларини қўлга киритиш насиб этса, Ҳисорга сен ўз одамингни қўй, Балхда Комроннинг одами турсин. Агар тангрининг инояти билан Самарқанд ҳам фатҳ этилса, Самарқандда ўзинг ўтир. Ҳисор вилоятини, Худо хоҳласа, ўз ихтиёримда қолдираман. Агар Комрон Балхни оз деб билса, хабар бериng, бу камчиликни, Худо хоҳласа, ўша ердаги қўшни вилоятлар билан тўлдирамиз. Сенга маълумки, ҳар доим бир қоидага амал қилинарди: олти ҳисса сенга бўлса, беш ҳисса Комронга тегарди. Ҳамиша ушбу қоидага амал қилгин, ундан четга чиқманглар. Ўканг билан яхши яшагин. Катталар кўтаримли бўлишлари керак, сенинг ҳам у билан яхши муомалада бўлишингга умид қиламан. У ҳам имонли ва яхши йигит, хизмат ва ҳамжиҳатликда унинг ҳам камчилиги йўқ.

Сендан бир оз гинам ҳам бор. Икки-уч йилдан бери бирорта одамнинг келмади. Мен юборган одам ҳам роппа-роса бир йилдан кейин қайтди. Шундай ҳам бўладими?

Бунинг устига хатларингда ёлғизлик, ёлғизлик деб ёзибсан. Подшоҳликда бундай деб ёзиш айбдир. Ахир айтадилар-ку:

Агар пой банди ризо пеш гир,
Ва гар яксувори сари хеш гир.

Мазмуни:

Агар оёғинг банд бўлса, ризони олдингга қўй,
Агар танда сувори бўлсанг, ўз бошингга бор.

Яъни: **жангга боғланган бўсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган бўлсанг, йўлингдан қолма, кетавер.**

Ҳеч бир банд подшоҳлик бандича бўлмас. Подшоҳлик билан ёлғизлик мувофиқ келмас. Яна мен айтгандек, хатларингни ёзиб бўлгач, уларни қайта ўқимайсан, чунки ўқишга ният қилганингда ҳам ўқий олмасдинг. Ўқий олмаганингдан сўнг албатта ўзгартирган бўлардинг. Хатингни қийналиб ўқиса бўлади, лекин у жуда чалкаш. Насрда ҳали ҳеч ким муаммо кўрган эмас. Гарчи унча тўғри бўлмаса ҳам, имлонг ёмонмас. "Илтифот"ни "то" билан, "қулунж"ни "ё" билан битибсан. Хатингни бир амаллаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўллаганингдан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол, хат ёзишга сустлигинг шундандир. Жимжимадор сўзларни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, равшан ва аниқ сўзлар билан ёз. Сенга ҳам ўқувчига ҳам ташвиш камроқ бўлади.

Энди сен катта ишлар олдида турибсан. Ўй-фикрли ва тадбирли беклар билан кенгашиб, уларнинг сўзларига амал қил.

Агар менинг розилигимни истасанг, хилватда ўтиришни бас қил, одамлардан узоқлашишни унут. Бир кунда икки бора уканг ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чорлаб, ҳар қандай маслаҳат бўлса кенгашиб, ҳар бир ишингни бу хайрихоҳ кишилар билан иттифоқликда амалга оширгин.

Хожа Калон мен билан тортинмай муомала қилишга ўрганган эди. Мен Хожа Калонга қандай муносабатда бўлган бўлсам, сен ҳам ўшандай муомала қилгин. Агар Тангрининг марҳамати билан у тарафларда ишлар бироз камайса ва Комронга эҳтиёж бўлмай қолса, Комрон Балхга ишончли кишиларини қўйиб, ўзи менинг қошимга келсин.

Жуда кўп фатҳ ва зафарларни Кобулда эканимда кўрдим. Шу боис Кобулни яхши ниятларимга эришган жой деб билдим ва уни ўз ихтиёримда қолдирдим. Ҳеч бирингиз унга тама қилмагайсиз.

Сен ўзингни яхши тутиб, Султон Вайснинг кўнглини олибсан. Уни қошингга чорлаб, унинг раъйи билан иш қилгин, чунки у иш биладиган одам. Лашкарингни ҳар доим йиғиқ ва яхши тартибда сақла. Оғзаки айтган кўп сўзларимдан Баёншайх воқифдир ва улардан сени хабардор қилади деб, сенга муштоқликлар билан салом.

Раби ул-аввал ойининг ўн учинчисида, пайшанба куни битилди.

Иккинчи мактуб

Агар ҳозирча арзирли бирор иш қилмаётган бўлсанг, ўғрилик ва қароқчиликни ман этгин, токи улар юзага келган тинчликни бузмасинлар. Яна шуки, Кобул вилоятини холиса қилдим, ўғилларимдан ҳеч бирингиз унга тама қилмагайсиз. Ҳиндолни чақиртирган эдим. Яна Комронга Шаҳзода билан яхши муносабатда бўлишни, Мўлтон вилоятини унинг ўзига инъом қилганимни ҳамда Кобул вилоятининг холиса бўлганини, менинг оила аъзоларим ва қариндошуруғларимнинг олдимга келаётганликларини битган эдим. Яна баъзи ишлар Хожа Калонга битилган хатдан маълум бўлишини ўйлаб, ўша хат қораламасини ўзгартирмай кўчириб ёздим:

"Хожа Калонга саломдан сўнг, сўзим шуки, Шамсиддин Муҳаммад Итаъвага келди. Кобулдаги аҳвол маълум бўлди. Бизнинг у томонларга боришга бўлган иштиёқимиз ҳадсиз-адоқсиздир. Ҳиндистондаги ишлар бирмунча тартибга кела бошлади. Тангри таолодан умид қиламизки, бу ердаги ишлар Тангри таолонинг кўмаги билан тез кунларда саранжом бўлади. Бу ердаги ишлар йўлга тушиб кетса, Тангри насиб қилса, тўхтаб турмай Кобул сари йўлга тушаман. У ерларнинг латофатини киши қандай унутади? Айниқса, ичишни гуноҳ билиб, тарк этганда, қовун ва узумдек шаръий нарсанинг лаззатини киши қандай қилиб эсдан чиқарсин. Яқинда менга қовун келтиришган эдилар, кесиб еганимда, ғалати таъсир қилди. Роса йиғладим. Кобулдаги нотинчликлар ҳақида битилган эди. Бу ҳақда ўйлаб, охири, агар бир вилоятда етти-саккиз ҳоким бўлса, қандай қилиб тартиб ва ободонлик, яхши бошқарув бўлсин, деган фикрга келдим. Шу боис опамни ва ҳарамни (аёлларни) Ҳиндистонга чақиртирдим, Кобул вилоят ва қишлоқларини холиса қилдим. Ҳумоюн ва Комронга ҳам ушбу мазмунни шарҳлаб батафсил ёздим. Бир муносиб киши бу хатларни мирзоларга олиб борсин. Илгари ҳам мирзоларга бу ҳақда ёзиб юборгандим, эҳтимол, сизга ҳам маълум бўлгандир. Энди буёғига у вилоятни бошқариш ва ободонлаштириш масаласида ҳеч бир баҳона, эътироз бўлиши мумкин эмас.

Бундан кейин қўрғон агар номустаҳкам ва халқ нообод бўлса, ё захира қолмаса, ёки хазина тўлмаса, бу фақат мамлакат суянчиғи бўлганларнинг уқувсизлиги туфайли содир бўлиши мумкин. Қуйида айтиладиган баъзи зарур ишларга фармон ҳам юборилган. Булардан бири шундай: кўп хазина тўплансин. Зарур ишлар қуйидагилардир: энг аввало, қўрғон тартибга келтирилсин, ундан кейин захира тўплаш, ундан кейин келиб-кетувчи элчилар учун маош ва озиқ овқат ва яшаш жойи харажатларини таъминлаш, ундан кейин жоме масжиди иморатини қуриш. Буларнинг барчаси учун маблағни тушаётган даромаддан олиб, шариат қонун-қоидаларига мувофиқ сарф этилсин. Яна карвонсарой ва ҳаммомлар тартибга келтирилсин, яна аркда Устод Ҳасан Али пишиқ ғишт билан қуриб ярмига етказиб қўйган иморат битказилсин. Бу иморатни Устод Султон Муҳаммад билан кенгашиб, яхши режа билан қуриш тайинлансин. Агар Устод Ҳасан Али тузган аввалги режа сақланиб қолган бўлса, иморатни ўша режа асосида охирига етказилсин, иморат режаси топилмаса, унда ўзаро келишиб, чиройли бир режали иморат солинсин. Ҳовлисининг саҳни девонхона ҳовлиси саҳни билан баробар бўлсин. Яна дарадан Кичик Кобул сари бориб, Бутҳоқ дарёсида тўпланадиган Кичик Кобул тўғонини яхши сақланг. Яна ғазни тўғонини тузатинг, Боғи Хиёбон ва хиёбонни ҳам. Яна бу боғнинг суви кам, унга бир тегирмон сув топиб келтириш керак. Яна Хожа Бастанинг ғарбижануб тарафида Тутум дарадан бир тепалик устига сув келтириб, ҳовуз қаздириб, ниҳоллар эктирган эдим. Кечик рўпарасига тушгани ва ўзига тортадиган жой бўлганлиги боис "Назаргоҳ" деб атагандик, бу ерга ҳам яхши ниҳоллар экиш керак. Тартиб билан гулзорлар қилиб, атрофига хушранг ва хушбўй гуллар, райҳонлар экиш лозим.

Яна Сайид Қосим ҳам кўмакчилар қисмига бошлиқ бўлиб тайинланди. Яна ўқотарлар ва устод Муҳаммад Амин жибачининг аҳволидан ғофил бўлманг. Яна ушбу хат етиб бориши биланоқ опамни ва ҳарамни тезда йўлга чиқариб, Нилобгача йўлбошчи бўлиб келинг. Ушбу хат етиб боргач, бир ҳафтадан кеч қолмасдан албатта йўлга чиқишсин. Чунки уларни кутиб олиш учун Ҳиндустондан чиққан лашкар тор ерда сиқилиб, қийналиши ва борган ерини хароб қилиши мумкин.

Яна Абдуллога битилган мактубда тавба водийсида кечирган ташвишларим ҳақида кўп ёзилганди. Мана бу рубоий ўша пайтдаги аҳволимни бироз ифодалайди:

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл борча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Биноийнинг қочиримли сўзлари хаёлимга келди: бир куни Биноий Алишербекнинг олдида қочирим қилади. Алишербек тугмали чакмонда экан. Унга қараб: "Жуда яхши зарофат қилдинг. Чакмонимни берардим, бироқ тугмалари халал беради", деб айтса, Биноий: "Тугмалар нимага халал берарди, балки димоғдорлик халал берар", деб жавоб қилибди. (Бу сўзлар масъулияти ровийлар зиммасида.) Маъзур тутинг. Мунча ҳазил гаплар бўлди, Худо ҳаққи, мен ҳақимда ёмон ўйламанг.

Юқоридаги рубоий ўтган йили айтилган эди. Ҳақиқатан, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзуси ва иштиёқи ҳадсиз-ниҳоясиз эдики, ҳатто баъзи пайтлари шароб иштиёқидан ҳатто йиғлаш даражасига етардим. Бу йил, Оллоҳга шукрки, бу ташвиш кўнглимдан бутунлай кўтарилди. Эҳтимол, бу таржимани назм қилишимнинг яхшилиги ва баракотидан бўлгандир. Сиз ҳам тавба қилинг. Суҳбат, майхўрлик ҳамсуҳбат ва ҳамкоса била ёқимлики, сиз ким билан суҳбат қиласиз ва ким билан ҳамкоса бўласиз. Агар ҳамсуҳбат ва ҳамкоса Шераҳмад билан Ҳайдарқули бўлса, унда бу тавбанинг оғирлиги йўқдир, деб орзумандлик билан сизни соғиниб салом.

Жумод ул-охир ойининг аввалида, пайшанба куни битилди."

МАЪРИФАТ

КИТОБ – БЕҚИЁС КУЧ МАНБАИ



«Кутубхоналар инсоният барча маънавий бойликларининг дурдоналаридир». Ҳа, даҳоларнинг бундай фикрлари бежиз дунёга келмайди. Кутубхоналар барча даврларда бирдек зиёли инсонларнинг севимли маскани, азиз гўшаси бўлиб келган. Чунки бу зиё даргоҳлари билим чашмаси, маънавият бешигидир.

Интеллектуал салоҳиятда устуворликка интилиб турган Ватан посбонларини эса китобсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли мудофаа тизимидаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда кутубхоналар фаолиятига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Қисм миқёсида ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхон» танлови ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Улмекен Жемуратова етакчилик қилаётган ҳарбий қисм кутубхонасидамиз. Биз ташриф буюрган чоғда, кутубхона янги бинога кўчиш арафасида экан. Шундай бўлсада китоблар захирасининг кўплиги ва хилма-хиллиги, зиё масканида олиб борилаётган ишлар самараси, ўқувчилар сонининг юқорилиги эътиборимизни тортди.

Шубҳасизки, ўқувчиларни кутубхонага жалб этишда мудиранинг ўрни беқиёс. Айниқса, ҳарбий қисм ва муассасаларда шахсий таркибга янги келиб қўшилган посбонлар билан алоҳида иш олиб бориш, китоблар захираси билан таништириш, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар тавсия қилиш, кутубхона аъзоларига янги келтирилган китоблар борасида маълумот етказиш каби бир қатор вазифалар мавжудки, бу мудиранинг олдида турган бурчидир.

Улмекен билан суҳбат давомида шунга амин бўлдикки, ушбу кутубхонага аъзо бўлган кўп сонли ўқувчининг зиё нуридан баҳраманд бўлишида унинг ҳиссаси катта.

– Кутубхонада ўтказиладиган тадбирларнинг ҳам китобхонлар сонининг ошишида муҳим ўрни бор, – дейди тажрибали кутубхоначи амалга оширилган ишлар хусусида тўхталар экан. – Масалан улуғ алломаларимизнинг таваллуд кунларини олайлик. Бундайин тадбирлар давомида уларнинг ёзган асарлари ёки алломалар ҳаёти ҳақида битилган тарихий қўлёзмалар, замонавий қарашлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтилади. Тарихимизга, улуғ аждодларимиз ҳаёт йўлига бўлган қизиқиш ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Шунингдек, келажакда олий ўқув юртларига кириш учун интилиб турган посбонларимизга керакли адабиётлар, ўқув қўлланмалари етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Ҳарбий хизматчиларимиз нафақат ўзлари, балки турмуш ўртоқлари, фарзандлари учун ҳам китоблар олишади. Бу борада ҳам уларга керакли маслаҳатлар бериш бизнинг бурчимиз. Кутубхона аъзоларининг сони қанча кўп бўлса, уларнинг янги-янги китобларга бўлган талаби ҳам юқори бўлиши аниқ. Шу сабабли шаҳардаги кутубхоналар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Кутубхонамиз ҳарбий қисм ҳудудидан бир оз четда жойлашган эди. Мана энди қисм ичидаги янги бинода фаолият юрита бошлаймиз. Бу албатта ўқувчиларимиз сонининг янада ортишига замин яратади.

Кутубхона аъзолари рўйхатини кўздан кечираман. Уларнинг асосий қисмини офицер ва сержантлар ташкил этиши қувонарли ҳол. Доноларимиз таъкидлаб ўтганидек «Китоб – инсон ундан фойдалана билар экан, беқиёс кучдир». Ҳа, китоб билим чашмаси, маънавий етуклик омили, комиллик калити. Ватан ҳимоячилари учун эса бу «қурол»нинг ўрни беқиёс.

Шу ўринда кутубхона мудирасининг фаолиятига яна қайтадиган бўлсак, унинг етакчилигида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар диққатга сазовор. Ҳар бир байрам ва маданий тадбир учун тузилган сценарийлардан ҳам буни англаш мумкин. Педагогика институти ўқитувчилари иштирокида, Президентимиз асарлари бўйича ўтказилган давра суҳбатлари, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказилган кечалар, ҳарбий қисм тарбиячи офицерлари билан ҳамжиҳатликда тайёрланган «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» деб номланган маърифий йиғин ва бошқа бир қатор тадбирларнинг барчасига астойдил тайёргарлик кўрилганлигини англаш қийин эмас. Бунинг учун кутубхона мудирасидан тажриба ва малака талаб этилиши аниқ. Ва албатта ҳарбий хизматчиларнинг масъулиятли хизматидан воқиф бўлиши, уларга зарур қўлланмалар, ватанпарварлик руҳидаги адабиётлар етказа олиши зарур. Бу ҳақда сўз кетганда, «Турмуш ўртоғим Аманбай Арзиев истеъфодаги ҳарбий хизматчи. Шунинг учун бу соҳанинг масъулиятли қиррасини яхши тушунаман», деди суҳбатдошимиз.

Ҳар бир соҳада фидойилик зарур. Шу жумладан кутубхона ишида ҳам. Ўйлаймизки биз қаламга олган ҳарбий қисм кутубхонаси ва унинг етакчиси ўз фаолияти билан Ватан ҳимоячиларининг маънавий комиллигига муносиб ҳисса қўшаверади.

Зулфия НОСИРОВА.

ОРОМГОҲДА ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

(тарбиячи-мураббийлар учун услубий тавсиялар)

Фарзандларнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун ўқишга интилиш ҳиссини ривожлантириш билан чекланиб бўлмайди. Улар онгида касб-ҳунар ва жисмоний меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, умуммаданий билимларини миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда бойитиш, шунингдек, ҳуқуқий онгини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда жисмонан баркамол, интеллектуал салоҳиятли, маънан етук шахсни тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганлигини бу борада амалга оширилаётган муҳим дастурлар, режалардан ҳам билса бўлади.

Таъкидлаш жоизки, кўнгилсиз воқеларнинг рўй бермаслиги, фарзандларимизнинг қаровсиз ва эътиборсиз қолмасликлари, улар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, саломатликларини тиклаш мақсадида республика бўйича барча шароитларга эга бўлган оромгоҳларда жами 245000 нафар болани дам олдириш кўзда тутилган.

Оромгоҳлар фаолиятини режалаштиришда қўшимча қўлланма сифатида қуйидагича тавсияларни бермоқчимиз.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Фарзандларимизнинг оромгоҳда яхши дам олишлари кўп жиҳатдан мазмунли тузилган иш режасига боғлиқ. Етакчи иш режасини тузишда биринчи навбатда, болаларнинг қизиқишини ҳисобга олиши зарур. Шу мақсадда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

– миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий, тарихий, маданий меросимиз, миллий қаҳрамонлар, алломалар фаолияти мисолида ва ўгитлари асосида тарбиявий ишларни ташкиллаштириш;

– тарихий обидаларни ўрганиш мақсадида саёҳатлар уюштириш;

– табиатни муҳофаза қилиш, ўлкани ўрганиш йўналишидаги ишларни амалга ошириш;

– маънавият ва маърифат борасидаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб туриш мақсадида журнал ва газеталар тахламини ташкил этиш;

– “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”, “Жон ичра жондир Ватан” мавзуларида суҳбатлар ўтказиш;

– гуруҳ ётоқхоналарида “Наъмунали ётоқхона” кўрик-танловини уюштириш;

– оромгоҳлараро, гуруҳлараро анъанавий миллий спорт мусобақаларини ташкил этиш;

– касбга оид тўгараклар сонини имкониятга қараб кўпайтириш ва “Касбим-фахрим” кўргазмасини ўтказиш (болаларнинг ўзлари тиккан, ясаган нарсалари ва чизган расмлари бўйича);

– тўгаракларни спорт-соғломлаштириш, бадиий-эстетик, ижодий ва касб-ҳунар каби йўналишларга ажратиш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатиб ўтилганидек, болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган якка тартибдаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида уларнинг қизиқишлари ва хоҳишларига кўра қисқа муддатли тўгараклар ташкил қилиниши оромгоҳ ташкилотчиларининг бош мақсади ҳисобланади.

Масалан:

– “Рассомчилик” тўгараги бўйича “Мен чизган сурат”, “Онам сурати”, “Ватан менинг нигоҳимда” каби мавзуларда расмлар танловини ёки тақдимотини ўтказиш; чизган суратини кенг шарҳлаб бера олган ўқувчини рағбатлантириш;

– “Адабиёт” тўгарагида байт-барак, шеърхонлик мушоирасини ташкил этиш; энг кўп мақол ва ҳадис билган ўқувчиларни аниқлаш ва китоб совға қилиш ёки имкониятдан келиб чиқиб мукофотлаш;

– “Сайёҳлик” тўгарагида турли хилдаги шифобахш ўсимлик ёки гербарий ҳамда минераллар тўпламини йиққан, табиат инъомлари, ҳар хил шаклдаги тошлар тўплай олган ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тенгдошлари олдида рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Турли спорт ва миллий ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, улар болаларнинг хотираларини мустаҳкамлашда, дунёқарашларини кенгайтиришда, янада ҳозиржавоб, зеҳнли ва иродали, жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

КУТУБХОНА

Оромгоҳ кутубхоналари қўшимча таълимнинг таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараённи китоблар, журналлар ва ахборот билан мумкин қадар тўла ва самарали таъминлаб туриши лозим.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда, уларга китоб сақлаш одоби, ўқиш ва уқиш маданияти, ўқиганларини ҳаётга татбиқ эта олишларини, бирор-бир асарни танлаб ўқишни билиш ҳам бир санъат экани, китоб ҳақиқий маънавий-маърифий хазина комил шахсни тарбияловчи муҳим восита эканини ёшларга англата билиш жоиз.

Шунингдек, “Энг илғор китобхон”, “Китоб – менинг дўстим”, “ Ким қанча китоб ўқиди”, “Мавсумнинг зукко ўқувчиси”, “Шеърият-дилга яқин”(Муҳаммад Юсуф ижоди) каби қизиқарли суҳбатлар, шоу дастурлари ўтказиш, семинар, танловлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, ёз фасли келажагимиз давомчилари бўлган болажонларимизнинг мириқиб дам олишлари, турли-туман тадбирларда иштирок этиб, ижодий ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга кенг имкон берувчи давр. Ушбу соғломлаштириш ва дам олиш мавсумини сермазмун, мароқли ўтказиш жойлардаги касаба уюшмалари, халқ таълими бошқармалари, шунингдек, оромгоҳлардаги ташкилотчи ва болалар етакчиларининг малака ва маҳоратларига, ижодий изланишларига боғлиқдир.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.

МАЪНАВИЯТ

ТИРИКЛИК АСЛ НЕЪМАТДИР

Ҳусан ота пойтахтнинг Олмачи маҳалласида истиқомат қиладилар. Отахонни нафақат маҳаллада, балки Мирзо Улуғбек туманида ҳам кўпчилик яхши танийди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Бу инсон қарийб йигирма йилдан буён туман мудофаа ишлари бўлими чақирув комиссиясида фаолият юритиб келадилар. Ўтган йиллар давомида Ватан ҳимоясига бел боғлаган минглаб туман ёшлари билан суҳбатлашганлар, уларга оталарча ғамхўрлик билан оқ йўл тилаб, йўл-йўриқ ва қимматли маслаҳатлар берганлар.

Йилдан-йилга миллий армиямизда янгича анъаналар йўлга қўйилмоқда. Қуролли Кучларимиз сафларига ёшларни тантанали равишда кузатиш, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитларимизни тантанали кутиб олиш маросимлари, ҳарбий қисмлардаги кутиб олиш тадбирлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари билан бўладиган турли-туман учрашувлар ҳам шулар жумласига киради. Ҳусан ота бундай тадбирларнинг фаол иштирокчиси, баъзан ташкилотчиси ҳамдир.

Бу инсоннинг ғайратига ҳавас қилса арзийди. Кимнингдир ғайратли эканлиги, эҳтимол, у қадар ҳайратланарли ҳодиса эмасдир. Аммо отахоннинг ёшлари тўқсонга қараб кетаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ҳолатга қойил қолмаслик мумкин эмас.

Ҳусан ота кўпни кўрган инсонлардан. Қатағон заҳматларини ҳам чекканлар, даҳшатли очарчилик йиллари ҳам у кишини четлаб ўтган эмас. Очарчилик ҳақида гапирган билан буни бор даҳшати ила ҳамма ҳам англайвермаса керак. Шундай бўлса-да, бир нарсага эътиборингизни қаратишни истардим. Қарияларимиз очарчилик ҳақида гапирганларида эртак тинглагандек бўлишимиз бор гап. Бунинг яна бир томони шундай пайтларда инсоний туйғулар улкан синовдан ўтади. Айнан ўша даҳшатли лаҳзалар инсоний фазилатларга човут солади... Эртакнамо эшитганим опа-сингил ўртасидаги мана бу ҳолатни сизга-да айтиб ўтишни лозим топдим. «Ҳаммаёқда очлик. Опа сингилни қора тортиб келди. Сингил эндигина кулчани ўчоқдан олаётганди. Опани олисдан кўргани ҳамоно кулчани олиб қўйнига яширди. Аммо кулчанинг ҳиди ҳавода қолди. Опа буни сезиб ортига қайтаркан, сингилга шундай деди: Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, кўксингни куйгани қолар...»

Отахон олис йиллар қаърида қолган болалиги ҳақида шундай бир воқеани эслайдилар:

– Тиф касали билан оғриб қолгандим. Сочларим батамом тўкилиб кетган, териларим кўчиб тушган... Яқинларим менинг тирик қолишимдан умидларини узиб, ҳовлига чиқариб ташлаганлар. Бу ўша давр учун хос ҳолат эди. Мени немис миллатига мансуб қўшниларим ҳаётга қайтаришган. Касалим ўзларига-да юқиб қолишидан чўчимасдан, ўзларига маълум усуллар билан даволашган. Шундан буён меҳр-шафқат, мурувват миллат танламаслигига ишонаман.

Ҳа, инсон ҳаётида турли паст-баландликлар, синовлар кўп. Бундай синовлар Ҳусан отанинг ҳаётида кўп бўлган. У киши етти маротаба оғир касаллик ва бахтсиз ҳодисаларни бошдан кечириб, ўлимдан қолди. Ота буни бежизга эмас дейдилар. Инсонга умр жуда қисқа берилган. Ана шу қисқа умрни фақат яхшиликларга бағишлаши керак деб, мулоҳаза қиладилар.

– Буни айниқса, ҳар гал ўлим оғзидан қайтганимда янада теранроқ англаганман, – дейдилар мақоламиз қаҳрамони. – Ён-атрофимизда бир оғиз ширин сўзга, озгина меҳр-мурувватга муҳтож одамлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Тинчлик жуда қадрли неъмат. Яратувчанлик, юрт ободлиги ана шу неъматга боғлиқ. Мен бу ҳақда ёшларимизга тинимсиз гапиришдан чарчамайман. Чунки уруш, қаҳатчилик каби инсон қалбига ҳам човут солувчи, ўзидан оғриқли хотиралар қолдирувчи кунларнинг тирик гувоҳиман. Тинч ва обод, фаровон юрт қадрига етиш керак, унинг ҳимоясини жон қадар азиз билиш керак.

– Кўпни кўрган инсонлар суҳбати мароқли бўлади, – дейди Мирзо Улуғбек туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Исмадиёр Қултанов. – Ҳусан отани шундай кишилар сирасидан деб биламан. Ёшлар билан олиб бориладиган турли маърифий ишларда у кишининг маслаҳатларига таянамиз. Бўлғуси Ватан ҳимоячилари билан тил топишни яхши биладилар. Шу ёшда ҳам жуда ҳаракатчан, фаол инсон. Ҳарбий қисмларда, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ҳамда ота-оналар билан бўладиган учрашувларда бу инсонни тез-тез учратиш мумкин. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, Ҳусан ота бизнинг шарафли ва масъулиятли вазифамизда энг яқин кўмакчимиздир.

Ҳусан ота Шомуротов айни кунларда ҳам қизғин фаолият билан бандлар. Туман «Нуроний» жамғармасида жамоатчилик асосида ишлаб келмоқдалар. Ёлғиз қариялар, беморлар аҳволидан хабар олиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш каби ишларни сидқидилдан бажариб келадилар. Ҳа, шу ёшда ҳам одамларга яхшилик улашиб, ёшлар тарбияси йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган, тирикликни асл неъмат билган бу инсоннинг фаолияти ҳақли равишда таҳсинга сазовордир.

Ҳусан ота, инсонларга яхшилик улашишдан асло толманг!

Назокат НОДИРШОҲОВА.
А. ОЧИЛОВ суратга олган.

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

«ЖАСУР ЖАНГЧИГА МАЪНАВИЙ ҲАЙКАЛ»

(ўн бешинчи мақола)

Ўзимни мозийнинг бағрига урдим.
Ва шу он шукрона айтиб қайтдим мен.
А. ОРИПОВ.

«Адабиёт – ҳамма нарсанинг боши», деган гап бор. Адабий танқид дарғаларидан бири таъбири билан айтганда: «Адабиёт – санъатнинг чўққиси!»

Шу маънода тарихий мавзуда асар ёзиш ёзувчидаги бадиий ва илмий салоҳиятнинг ўзига хос синови ҳисобланади. Бизнинг адабиётимизда бу анъана Абдулла Қодирийдан бошланган бўлса, ажаб эмас. Ўзбек романчилик мактабининг тўнғичи ва забардаст намунаси – «Ўткан кунлар»да «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим» сўзлари билан бошланувчи аччиқ киноя ва ҳукмни бемалол «Султон Жалолиддин» тарихий романига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бунда фақат биргина жумла ўзгаради – «кейинги «хон замонлари» ўрнига «ўрта асрлар даври» замон феъллари қўйилса, бўлди. Чунки ўн учинчи юз йиллик ҳам халқимиз, қолаверса, бутун инсоният тарихининг чиркин даврларидан ҳисобланади.

Бизнинг адабиётимизда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ёзилган асарлар бармоқ билан санарли даражада эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо охирги йилларда Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар», Ғулом Каримнинг «Наршах қалъаси» романлари каби бир қатор асарлар пайдо бўлди-ки, бу қувонарли албатта. Эркин Самандарнинг «Султон Жалолиддин» асари шу рўйхатни тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу асарларни бир сўз билан тарихий ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги асарлар, деб айтиш мумкин. Чунки бу ижодкорлар тарихни, айниқса юртимиз тарихини ўқувчи сифатида эмас, балки чинакам тадқиқотчи – мозийшунос даражасида ўрганишган. Бу асарларда ижодкорнинг бадиий хаёлотидан кўра ҳам реал тарихий воқеалар баёни ҳамда таҳлили кўпроқ бўлиб, бу нарса асарларнинг маърифий-илмий қимматини оширишга хизмат қилади. Масалан, «Сарбадорлар»даги баъзи бир тафсилот – ҳодисалар тарихчи олимлар ўртасида мунозараларга сабаб бўлганидан хабарим бор.

Менинг адабиётшуносларга ўхшаб асарни таҳлил қилиш ниятим йўқ. Фақатгина ўқувчи сифатида баъзи бир фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Буюклардан бири «Яхши қўмондон, етакчида учта нарса – кучли характер, обрў ва эътиқод бўлиши зарур», деган эди. Мутолаа жараёнида ўқувчи бош қаҳрамон – Жалолиддинда шундай сифатларни ўзича кашф қилади. Шекспир машҳур «Гамлет»да «Буюклик – буюк кураш маҳсулидир!», деган сатрларни ёзади. Бу ўлмас сатрлар жасур ватандошимиз таржимаи ҳоли асосида ёзилгандек таассурот қолдиради кишида. Қолаверса, Жалолиддин Мангуберди фаолиятига нисбатан «жасорат» сифатини ишлатиш, уни оддий инсонлар даражасига тушириб қўяди. Унинг жасорати биз кўникиб қолган ҳар қандай таърифу тавсифларга сиғмайди, гўё. Дунёда қаҳрамон шахслар кўп ўтган. Ҳар бир жангчининг қаҳрамонлиги унга қандай куч қарши турганлиги билан белгиланади. Шарқдан ёпирилиб келган Чингиз босқинчилари кўп жангларни бошидан кечирган тажрибали душман эди. Шу маънода аллома Озод Шарафиддинов «Буюкликка қолип йўқ!», деганида, юз бора ҳақ эди. Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Дунё тарихига бир назар» китобида Марказий Осиё, хусусан Мовароуннаҳр замини ҳақида сўз юритиб, уни «ботир жангчилар юрти», деб атайди-ки, бу нарса ўлкамизда озодлик ва мустақиллик учун бўлган курашлар тарихи олис замонларга бориб туташишини ҳамда бой анъаналарга эга эканлигини кўрсатади. Шу ўринда «Давлатнинг сиёсати унинг географиясида ўз ифодасини топади», деган муҳим тамойил ёдга тушади. Дунёнинг турли ўлкаларини ўзаро туташтирувчи карвон йўллари чорраҳасида жойлашган юртимиз нафақат табиий бойликлари ва мўътадил иқлими, балки ўз даврига нисбатан юксак даражада тараққий этган маданияти билан ҳам бошқаларни ўзига маҳлиё этган.

Шўро даврида социалистик таълимот асосчиларининг «Синфий кураш» назарияси кенг тарғиб қилинди. Унга кўра «жамият турли-туман бир-бирига зид сифатларга бўлинган бўлиб, улар ўртасидаги кураш ижтимоий тараққиётни белгилайди...». Яқин ўтмиш тарихимиз бундай қарашларнинг нотўғри эканлигини кўрсатиб берган бўлса-да, унинг таъсирини асар воқеалари жараёнида яна бир бор кўрамиз, ишонч ҳосил қиламиз. «Феодал давр», деб аталган ўрта асрлар шароитида, аниқроғи ўн учинчи юз йилликда мўғулларга қарши курашга ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, миллати ва динидан қатъи назар аҳолининг ҳамма қатламлари қўшилади. Ва бу кураш – тарихий шароит Жалолиддин Мангубердини тарихий шахс ҳамда жасур қўмондон даражасига кўтаради.

Яна бир мулоҳаза. Ҳозир оммавий китобхонлик барҳам топиб бораяпти, бундан халқ борган сари саводсиз бўлиб қолмайдими, деган фикрлар ҳам айтиляпти. Менимча бундан чўчимаслик керак, бу – қайтанга яхши! Нима учун? Аввало, оммавийлик – моҳиятан салбий ҳодиса! Иккинчидан эса, оммавийлик дидни, айниқса, индивидуал дидни ўтмаслаштиради. Айтиш мумкинки, бадиий асарлар ўқишга нисбатан ҳам индивидуаллик ижобий жараён ҳисобланади.

«Жалолиддин Мангуберди мавзуси – Э. Самандар ижодининг асосий йўналишларидан бири, – деб ёзган эди машҳур адабиётшунос Матёқуб Қўшчонов ўзининг «Жайҳун жилолари» китобида. – Илк бор у Жалолиддин номини «Хоразм фарзандиман» шеърида тилга олган бўлса, кейинчалик «Олим нидолар», «Она ва ўғил» балладаларида унинг образини шакллантиришга ҳаракат қилди. Шундан кейин йирикроқ насрий асар устида иш бошлаб, орадан қарийб ўн йил ўтгач, драматик асар – «Ёт ҳужра» асарини яратди. Унгача эса «Аждодлар қиличи» драмасини ёзган эди». Кўряпсизки, бир неча ўн йилларга чўзилган мана шундай жиддий тайёргарликдан сўнггина ёзувчи «Султон Жалолиддин»дай жиддий асар устида иш бошлайди. Шу маънода ҳаётида бironта эсда қоларли қисса ёки жилла қурса ҳикоя ёзмаган бўлса-да, аммо ўзини роман ёзишга чоғлаётган баъзи бир ёзувчиларимиз Эркин акадан ўрнак олсалар ёмон бўлмас эди. Чунки хоҳлаймизми ёки йўқми, роман – жиддий жанр! Чингиз Айтматов эллик ёшлардан ўтиб, уни ёзувчи сифатида бутун дунё танигандан сўнггина роман ёза бошлади. Ёки, Эркин Аъзам олтмишга яқинлашиб ҳам роман ёзаётгани йўқ!?.. Хуллас, «Султон Жалолиддин» романи Мақсуд Шайхзоданинг машҳур «Жалолиддин Мангуберди» драмаси билан биргаликда жасур жангчига, қолаверса, юрт озодлиги учун курашган аждодларимизга қўйилган маънавий ҳайкал бўлди.

Эркин Самандар нафақат ёзувчи, балки шоир ҳамдир. У – лирик шеърлар устаси. Масалан, унинг етти юздан ошиқ шеърлари хонандалар томонидан қўшиқ қилиб айтилган. Улар-



да хоразмликларга хос бўлган соддалик, самимият ва ўйноқилик – мусиқавийлик кучли.

Баъзан шундай бўлади – бир хил асарларни ўқиб, кетган вақтингизга ачинасиз, афсусланасиз, бошқасини ўқиб бўлгач эса, тугаб қолганидан азият чекасиз, «Қанийди, давоми бўлса», деган фикр хаёлдан ўтади. Назаримда, «Султон Жалолиддин» шундайлар сирасидан. Гарчи у алоҳида китоб бўлиб чиққан бўлсада, яна бир марта хаёлан мозийга саёҳат қилиб, аждодларимиз билан мулоқот қилиш имконини бергани учун севимли газетамиз – «Ватанпарвар» таҳририятига миннатдорчилигимни билдираман.

Матёқуб Қўшчонов биз юқорида эслаганимиз – «Жайҳун жилолари» китобида «шоир ёки ёзувчи китобхон юрагига йўл топа олсагина ўз бурчини адо этган бўлади», деб ёзган эди. Менимча, Эркин Самандар мана шундай «ўз бурчини адо этиб яшаётган» ижодкорлардан.

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

СПОРТ

Армия спорти

НАВБАТ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА

Шу йилнинг февраль ойида Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари курсантлари ўртасида илк марта қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилган эди. Ўқув муассасалари жамоалари эндиликда I-ёзги Олимпиада ўйинларига ҳозирлик кўрмоқда.

Кўлами ва қамрови кенглиги жиҳатидан қишки Олимпиада ўйинларидан кескин фарқ қилувчи ёзги Олимпиада ўйинлари икки босқичда ўтказилиши режалаштирилган. Биринчи босқич мусобақалари Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари курсантлари ўртасида августнинг иккинчи ўн кунлигида Марказий ҳарбий округда, иккинчи босқич мусобақалари ҳарбий округларнинг сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Тошкент ҳарбий округида ўтказилиши мўлжалланган.

Олимпиададан кўзланган асосий мақсад Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий ўқув муассасалари ва ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, курсантлар ва сержантларнинг юксак маънавий, ахлоқий-руҳий ҳамда жанговар маҳоратларини янада шакллантириш, улар ўртасида мусобақадошлик муҳитини яратиш, интеллектуал салоҳияти юксак кадрларни тайёрлашдир. Қолаверса, Олимпиада ўйинларида қатнашиш курсант ва сержантларни ўз қобилиятларини намойиш этишга, ғалаба сари интилиш ва курашишга ундайди, мухлислик қилаётган сафдошларининг эса фахр ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Айни кунда барча олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашувчи вакилларини саралаб олиш, уларни мусобақаларга тайёрлаш жараёни кетмоқда. Ёзги Олимпиада ўйинлари кўлами, мусобақалар тури, қатнашувчилари ва бошқа бир қатор жиҳатлари билан қишки Олимпиада ўйинларидан фарқ қилади. Жумладан, ёзги Олимпиадага тактик (махсус-тактик) тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги, техник тайёргарлик бўйича назарий ва амалий жиҳатдан бажариладиган, спорт тамойилларига уйғунлаштирилган бир неча йўналишли баҳслар киритилган. Спорт мусобақаларининг ўзи олти йўналишли бўлиб, уларнинг айримлари ҳарбийлаштирилган. Хусусан, эстафета, биатлон ва сузиш бўйича мусобақалар ҳарбийлар хизмат фаолиятига бирмунча мослаштирилган. Зеро, Олимпиада ўйинларини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳам бўлғуси офицер ёки сержант кадрларнинг профессионал маҳоратларини янада шакллантиришдир. Олимпиадада иштирок этиш жараёнида бўлажак офицер ёки сержантларнинг нафақат кучи, эпчиллик ва мерганлиги, балки зукколик, топқирлик ва мураккаб вазиятлардан тезда чиқиб кетиш маҳорати ҳам синовдан ўтади.

Ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан билимдонлар баҳси ҳам ўрин олган. У ҳам икки йўналишдан иборат. «Балли йигитлар!» танловида жамоанинг ўн нафар аъзоси иштирок этади. Танлов шартлари жамоа аъзоларининг интеллектуал билими, ҳажв, юмор, мусиқа ва рақсга бўлган қобилияти каби сифатларини аниқлашга қаратилган. Билимдонлар беллашувида эса ҳар бир жамоанинг олти нафар аъзоси қатнашади ва етакчилик қобилиятига эга сардор жамоага бошчилик қилади. Бу танловда жамоаларнинг билими, зукколиги, ҳозиржавоблиги каби сифатлар баҳоланади.

Ёзги Олимпиада ўйинлари жамоавий баҳслар тамойилига асосланган бўлиб, барча йўналишлар бўйича эгалланган ўрин ва йиғилган балларга кўра ғолиб жамоа аниқланади. Бу баҳсларда барча қатнашчиларга муваффақият тилаймиз.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Юнон-рум кураши

САНЖАРБЕКНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Германияда ўтказилган юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақада Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Санжарбек Жумашев совриндор бўлди.

Жаҳон спорт жамоатчилиги ва мухлислар Гран-при туркумига кирувчи мусобақаларга катта қизиқиш билдиришади. Чунки улар дунёнинг кучли спортчиларини жалб қилиш кўлами, баҳсларнинг шиддаткорлиги, савияси ва умуман, нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатларидан кейин турувчи йирик мусобақалар саналади. Бундай турнирларда зафар қозониш – ҳар қандай спортчининг орзуси.

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида пойтахтимизда юнон-рум кураши бўйича ана шундай йирик халқаро мусобақа ўтказилган эди. Унда ўзбекистонлик полвонлар муваффақиятли қатнашиб, тўртта совринга эгалик қилганди. Мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритиб, терма жамоамиз умумий муваффақиятига ўзининг муносиб улушини қўшган МҲСК вакили Санжарбек Жумашев яқинда Гран-при туркумига кирувчи яна бир халқаро турнир совриндори бўлди. У бу муваффақиятга Дортмунд шаҳрида эришди. 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан спортчимиз ярим финалга қадар рақиблари устидан ишончли ғалаба қозонди. Финал йўлланмаси учун беллашув россиялик тажрибали спортчи Бекхан Манкиевга қарши кечди. Вакилимиз бу тўсиқдан ўта олмади ва нуфузли мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди. Айнан шу вазн тоифасида гиламга чиқиб, ярим финалда эстониялик Анар Зайналовни мағлуб этган ҳамюртимиз Элдор Ҳафизов ҳам финалда россиялик спортчига ютқазиб қўйди ва турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлди. Эслатиб ўтамиз, Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада финал беллашуви ҳамюртларимиз ўртасида кечган ва унда Элдор ғалаба қозонганди.

Халқаро мусобақанинг 60 кг. вазн тоифаси бўйича финал учрашуви ҳам Россия ва Ўзбекистон полвонлари ўртасида кечди. Ярим финалда Ҳиндистон ва Болгария полвонларидан устун келган Исламбек Альбиев (Россия) ва Элшод Рафутдинов (Ўзбекистон) беллашувига мутахассислар спорт журналистлари катта қизиқиш билдиришди. Кўпчиликнинг эътиборини тортган бу беллашувда ҳам россиялик полвоннинг ғалабаси эътироф этилди.

Ж. РАСУЛОВ.

Мерганлик

БЕШ НАФАР МЕРГАНГА ЕТТИТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Пойтахтимизда ўқотар қуроллардан отишнинг олимпия дастуридан ўрин олган турлари бўйича ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари ўтказилди. Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидан беш нафари Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди ва уларга чемпионатнинг еттита олтин медали топширилди.

Ўзбекистон чемпионати баҳслари кичик калибрли ва пневматик милтиқ (винтовка) ҳамда тўппонча(пистолет)нинг бир неча (мв-5, мв-6, мв-9, мп-5, вп-4, вп-6, пп-2, пп-3) русумдаги турларидан отиш – мерганлик бўйича олиб борилди. Одатдагидек, Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари чемпионатда етакчилик қилишди. Хусусан, тажрибали мураббий А. Давидов қўл остида шуғулланаётган спорт устаси Андрей Журавлёв чемпионатнинг иккита олтин медалига сазовор бўлди. У дастлаб мв-9 русумли милтиқдан отиш бўйича чемпионатда энг юқори натижага эришган бўлса, сўнг мв-6 русумли милтиқдан отиш бўйича мерганлигини намойиш этиб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

МҲСК мураббийи А. Давидовнинг энг ёш шогирдларидан бири Дмитрий Бахтиёров ҳам чемпионатнинг иккита олтин медалига сазовор бўлди. У дастлаб пневматик милтиқдан (вп-6) отиш бўйича 683 очко натижа кўрсатиб, ёшлар ўртасидаги республика биринчилигида муваффақият қозонди. Сўнг мерганликнинг айнан шу йўналиши бўйича катталар ўртасидаги мусобақада 682 очколик натижа билан ғолиб чиқди. У шунингдек, мв-9 русумли милтиқдан отиш бўйича катталар ўртасидаги баҳсларда ҳам қатнашиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Дмитрий энди 19 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, мусобақаларда эришган натижаларига кўра спорт усталигига номзодлик меъёрларини аллақачон бажариб бўлган. Мутахассислар унинг келажагига катта умид билдиришмоқда.

Баҳслар олдидан МҲСК таркибидаги ягона халқаро тоифадаги спорт устаси кичик сержант Елена Кузнецованинг чемпионатда муваффақият қозонишига мутахассислар шубҳа билдиришмаётган эди. Мураббий А. Аксенова шогирдининг бу сафар, негадир, омади чопмади. У пневматик милтиқдан отиш бўйича ҳам, кичик калибрли милтиқдан отиш баҳсларида ҳам иккинчи натижа кўрсатди. Аксенча, А. Аксенованинг бошқа шогирдлари – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Яна Фатхи ва тажрибали мерган Татьяна Раҳимова мв-5 ва мп-5 русумли ўқотар қуроллардан отиш бўйича чемпионатда энг юқори натижа кўрсатиб, ғолиб чиқишди.

МҲСК ҳисобига еттинчи олтин медални Мария Теплова олиб келди. У пневматик тўппончадан (пп-2) отиш баҳсларида 459 очко натижага эришди. Мария шунингдек, кичик калибрли тўппончадан (мп-5) отиш баҳсларида ҳам совринсиз қолмади. У бу борада 525 очко жамғарди ва чемпионатнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Дмитрий Бахтиёров каби чемпионатнинг бир йўла учта совринини қўлга киритган спортчилардан бири Қуролли Кучлар хизматчиси Павел Савинич бўлди. У пневматик тўппончадан ва мв-6 русумли милтиқдан отиш баҳсларида чемпионатнинг иккинчи, мв-9 русумли милтиқдан отишда эса учинчи натижасини кўрсатди. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Артем Чернишев чемпионатнинг иккита кумуш, МҲСК вакили Сакина Мамедова эса иккита бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Азизбек Муҳаммадраҳимов ва 32 ёшли кичик сержант Роман Голошапов чемпионатда қўлга киритилган МҲСК ҳисобидаги бронза медалларни бойитишга муваффақ бўлишди.

Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари чемпионатнинг жами 20 та (7 та олтин, 8 та кумуш, 5 та бронза) медалини қўлга киритишди.

Р. ЖУМАЕВ.

СПОРТ

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Фарзандларимиз мустақил Ватанда, ҳур замонда вояга етаяпти. Уларга яратилган чексиз имконият, кенг шароитни кўриб беихтиёр болалик даврим билан солиштиргим келаверади. Шунда қалбимни шукроналик туйғуси янада чулғаб олади.

Хизмат сафарлари чоғида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига яратилган шароит ва албатта фарзандларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик диққатимизда бўлади. Шимоли-ғарбий ҳарбий округда бўлганимизда ҳарбий хизматчиларнинг ўғил-қизлари таълим олаётган мактабига бордим. Келажагимиз эгаларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун округда олиб борилаётган ишлар билан қизиқдим.

Бу борада бизга округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Гулбаҳор Ҳабибуллаева қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ҳарбий касб қай даражада шарафли, ҳарбий соҳа эгалари қай даражада ҳурматга сазовор бўлса, уларнинг оила аъзолари, айниқса фарзандлари шу нуфузга муносиб, ҳар томонлама етук бўлишлари лозим, – дейди бўлинма етакчиси. – Шу сабабли уларнинг соғлом ва баркамол, зукко ва доно бўлиб улғайишлари учун бор имкониятни ишга солаяпмиз. Аввало улар таҳсил олаётган умумтаълим мактабида дарсдан бўш вақтларида шуғулланишлари учун бир қатор тўгараклар фаолият юритади. Бундан ташқари мана бир йилдан зиёд вақт мобайнида гарнизон офицерлар уйи ҳузурида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун каратэ ва бадиий гимнастика тўгараклари ишлаб турибди. Тўгаракка ўз соҳасининг етук мутахассислари жалб этилган. Мана шу ўтган вақт мобайнида спортсевар ўғил-қизлар маълум муваффақиятларга эришиб улгуришди. Айтмоқчиманки, фарзандларимиз орасида спортга иштиёқи баланд иқтидорли болажонлар кўпчиликни ташкил этишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Келгусида ҳам тўгаракларимиз фаолияти мана шундай давом этса, ўз чемпионларимизни кашф этишимизга шубҳа йўқ.

Ўз навбатида каратэ ва бадиий гимнастика тўгаракларидаги жараён билан яқиндан танишишга ошиқдик.

Каратэ тўгарагига спорт устаси, қора белбоғ соҳиби Муҳаммадали Кенжаев етакчилик қилаётган экан. 2006–2007 йилларда каратэ бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони, 2008 йилда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида II ўрин соҳиби бўлган ёш ва иқтидорли спортчи болаларга меҳр ва иштиёқ билан каратэ сирларини ўргатаётганига гувоҳ бўлдик. Машғулот жараёнини четдан кузатган одам болаларнинг спортга бўлган меҳри қай даражада юқори эканлигини дарҳол англайди. Кимонодаги турли ёшдаги болалар устозларининг ҳар бир ҳаракатини синчковлик ила кузатиб, такрорлашаяпти. Машғулотдан сўнг Муҳаммадалини суҳбатга тортдик.

– Ҳозирда тўгарагимизнинг 20 дан зиёд аъзоси бўлиб, уларга ҳафтада уч кун машғулотлар олиб бораман. Болалардаги кучли иштиёқ ва қизиқиш машқларни тез ўзлаштиришларига замин яратаяпти. Нукусбай Женбаев, Бобур Машарипов, Илҳом Едирбаев, Нурлан Бектошев, Бексултон Джиеналиев каби қобилиятли спортчиларимиз борки, улардан келгусида чемпионлар чиқиши мумкин. Нукус шаҳрида ўтказилган мусобақаларда Нурлан ва Илҳом иккинчи, Бексултон ва Бобур учинчи ўринларни қўлга киритишгани ҳам фикримиз далилидир. Қорақалпоғистон Республикаси каратэ бўйича очиқ чемпионатида эса Нукусбайнинг учинчи ўринни эгаллагани биз учун дастлабки муваффақиятлардан бири, десак арзийди. Бу борада янада юқори довонларни забт этишимизга ишонаман.

Бадиий гимнастика қизалоқларнинг севимли машғулоти эканлиги сир эмас. Гарнизон офицерлар уйи ҳузуридаги ушбу тўгаракда ҳам ҳарбий оилаларнинг уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган фарзандларини кўришингиз мумкин. Тўгаракка Нукус шаҳридаги олимпия захиралари коллежини битирган Элмира Абдураҳмонова етакчилик қилаяпти. Ўттиздан зиёд қизалоқнинг гимнастика машқларини маромида бажараётганини кўриб беихтиёр завқланиб кетасиз. Бунда тўгарак раҳбарининг улкан меҳнати бор, албатта. Уларнинг эришган ютуқлари эса янада эътиборга молик.

– Қизалоқлар жуда иқтидорли. Улар бадиий гимнастика машқларини тез ўзлаштириб боришаяпти, – дейди Элмира биз билан суҳбатда. – Шу сабабли турли босқичдаги мусобақаларда муваффақият билан иштирок этиб келаяпмиз. Масалан Нукус шаҳрида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича кўргазмали чиқишда тўгарак аъзолари учинчи ўринни қўлга киритишди. Бунда Навбаҳор Ўразбаева, Гулчитой Кабулова, Олтиной Утегенова, Шаҳноза Рисбаева, Мадина Хўжаахмедова каби қизларимиз олқишларга сазовор бўлишди. Шунингдек, округдаги байрам тадбирларида ҳам ёш гимнастикачиларимиз ўз чиқишлари билан иштирок этиб келишаяпти.

Юртимизнинг чекка ҳудудларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган бундайин шарт-шароитлар кишини қувонтиради. Шу маънода сизга ҳикоя қилган спорт тўгараклари бошқа гарнизонлардаги офицерлар уйлари учун ўрнак бўлса арзийди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Теннис

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Шу кунларда Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида теннис бўйича Қуролли Кучлар очиқ чемпионати баҳслари қизғин паллага кўтарилди. Унда Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон теннисчилари ҳам иштирок этаяпти.

5 июль куни чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мусобақа байроғини МҲСК ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, ёш истеъдодли теннисчи Муҳаммад Аҳмад Жамол кўтарди. Чемпионатнинг квалификация босқичида 124 нафар, асосий сет баҳсларида 120 нафар теннисчи қатнашиб, тўртта ёш тоифаси йўналишида ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришмоқда. Бундан ташқари офицерлар учун алоҳида ёш тоифаси белгиланган бўлиб, ҳарбий қисм ва бўлинмалар вакиллари – ҳаваскор теннисчиларнинг жуфтлик баҳсларида қатнашиш учун имконият яратилган. Зеро, очиқ чемпионатнинг мақсади Қуролли Кучларда теннисни янада оммавийлаштириш, қобилиятлиларнинг ўйин маҳоратларини янада ошириш, истеъдодли спортчиларни аниқлаш, Қуролли Кучлар терма жамоаси учун номзодларни саралаб олишдир.

Чемпионатнинг биринчи ва иккинчи кунлари квалификация баҳслари бўлиб ўтди. Асосий сетга, йўлланма олиш учун кечган баҳсларда профессионал теннисга кириб келаётган истеъдодли ўсмир спортчилар билан бирга ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаваскор теннисчилари ҳам иштирок этди. Айниқса, 1991-1994 ва 1995-1996 йилларда туғилганлар ўртасидаги баҳслар қизғин кечди. Александр Цаткин, Мурод Тошпўлатов, Нодир Нигмадзиянов, Жаҳон Ниёзхонов барча рақибларини мағлуб этиб, асосий сет баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Қизлар ва йигитлар ўртасида тўрттадан ёш тоифаси, жами саккизта йўналиш бўйича олиб борилаётган асосий сет баҳслари бугун ярим финал ва финал босқичига кўтарилди. Сешанба ва чоршанба кунлари нимчорак финал ўйинлари бўлиб ўтди. Жумладан, Нилуфар Исмоилова – Сабина Каримова ўртасидаги учрашувда 6/3, 6/0, Кристина Исакова – Зарина Тўрахонова баҳсида 1/6, 7/6, 10/7 ҳисоблари қайд этилди. Ҳисобларнинг ўзи ғолиблик учун кураш осон кечмаётганини кўрсатиб турибди. 1997-1998 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги баҳсларда Гўзал Юсупова ҳам муваффақиятли ўйнамоқда. Мутахассислар бу ёш тоифасида финал учрашуви Нилуфар Исмоилова ва Гўзал Юсупова ўртасида кечишини башорат қилишяпти.

1995-1996 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги баҳсларда эса Феруза Саидова ва Моҳинабону Самадованинг ўйинлари мухлисларда яхши таассурот қолдириб, улар ғолиблик учун дадил интилишаётир. 1999 йилда туғилган ва ундан ёш ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Анвар Ҳамидов, Темур Тешаев, Маъруф Одиловлар чемпионатнинг 1/8 финал босқичидан ўтишди. Қуролли Кучлар очиқ чемпионати баҳслари эртага ўз ниҳоясига етади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

Футбол

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги биринчи давра баҳслари ўз ниҳоясига етди. Гарчи «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги 11-турнинг қолдирилган бир учрашуви ҳали олдинда турган бўлса-да, 12 июль куни ўтказилиши мўлжалланган баҳс натижаси тақвимга ҳеч бир ўзгартириш киритмайди.

Ўтган йилги мавсум охири ҳамда бу йилги мавсум бошида Ривалдо ва яна бир қатор бразилиялик футболчиларнинг «Бунёдкор» сафига келиб қўшилиши туфайли жаҳон спорт нашрларининг миллий чемпионатимиз баҳсларининг боришига бўлган эътибори ҳам кучайди. Дунё футбол аҳли ва спорт жамоатчилигини ҳайратга солган бу воқеалар шов-шуви тинмасдан туриб, XVIII миллий чемпионатимиз биринчи ярми охирлади ва у яна жаҳон спорт нашрлари биринчи саҳифасидан ўрин олмоқда. Сабабчи яна «Бунёдкор» клуби. Дунёга машҳур мураббийнинг юртимизда иш олиб боришини жаҳон футбол нашрлари ходимлари, айниқса, европаликлар «ҳазм қилолмаётган» бир пайтда Луиз Филиппи Сколари «Бунёдкор» билан Ўзбекистон миллий чемпионатидаги биринчи ғалабасини нишонлади. У Қарши шаҳрида, «Насаф»га қарши қийин кечган учрашувда рўй берди. Тошкентликлар 8-дақиқадаёқ ўйиндаги ҳисобни очган бўлса-да, орадан тўрт дақиқа ўтмай майдон эгалари 11 метрлик жаримадан мувозанатни тиклашди. Жароҳат олганлиги туфайли бу йилги мавсумда кўп ўйинларни ўтказиб юбориб, эндиликда ўйиндан-ўйинга маҳоратини тиклаб бораётган «Бунёдкор»нинг чилилик легионери Вильянуэва 29-дақиқада учрашувдаги иккинчи тўпини киритди. Кескин ҳужумлар остида кечган учрашувда ҳисоб бошқа ўзгармади.

Шу куни 12-турнинг муддати кечиктирилган яна икки учрашуви бўлиб ўтди. «Пахтакор» ўз майдонида ўтган йилги чемпионатда муваффақиятли ўйинлари билан футбол мухлисларини ҳайратга солган Муборакнинг «Машъал» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Зайниддин Тожиев, иккинчи бўлимида Александр Гейнрих 2 марта гол уришга муваффақ бўлди.

Наманганнинг «Навбаҳор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги учрашувга нисбатан футбол мухлисларининг қизиқиши ҳар доим юқори бўлган ва улар ўртасида кескин кечувчи баҳсларни кузатиш учун одатда 30 000 нафардан кам бўлмаган томошабин стадионга ташриф буюрган. Бу галги учрашувни 11753 томошабин стадионга келиб кузатди. Чунки сўнгги йиллардаги муваффақиятсиз ўйинлари билан «Навбаҳор» сезиларли даражада ўз мухлисларини йўқотди. Шунга қарамай икки жамоа ўртасидаги бу галги учрашув ҳам одатдагидек шиддатли кечди. Учрашув бош ҳаками Нажафалиев жамоа ўйинчиларини тўрт марта огоҳлантиришга мажбур бўлди. Ўйиннинг 11-дақиқаси фарғоналиклар тўпурари Алишер Холиқовга омад келтирган бўлса, 79-дақиқада мезбонлар жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлишди ва учрашувда дуранг натижа қайд этилди.

Тўпурарлар баҳсида «Бунёдкор»нинг бразилиялик ҳужумчиси Ривалдо 14 учрашувда 14 та тўп киритган ҳолда якка пешқадамлик қилаяпти. Унинг жамоадоши Анвар Солиев ҳисобида 8 та гол бор. Тўрт нафар футболчи эса дарвозаларга 7 марта тўп киритишга муваффақ бўлган. Улар – Камолиддин Мурзоев («Насаф»), Алишер Холиқов («Нефтчи»), Хосе-Луис Вильянуэва («Бунёдкор») ва Александр Гейнрих («Пахтакор»).

	Жамоалар	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1	«Бунёдкор»	14	14	0	0	42-4	42
2	«Пахтакор»	14	11	3	0	35-4	36
3	«Насаф»	15	8	3	4	23-13	27
4	«Нефтчи»	15	8	2	5	20-16	26
5	«Олмалиқ»	15	8	2	5	21-19	26
6	«Хоразм»	15	7	4	4	18-15	25
7	«Локомотив»	15	5	5	5	12-18	20
8	«Қизилқум»	15	6	1	8	14-25	19
9	«Навбаҳор»	15	5	4	6	14-18	19
10	«Сўғдиёна»	15	5	2	8	18-32	17
11	«Динамо»	15	4	3	8	18-21	15
12	«Бухоро»	15	4	3	8	19-26	15
13	«Шўртан»	15	4	3	8	17-27	15
14	«Андижон»	15	2	5	8	16-26	11
15	«Машъал»	15	2	4	9	11-22	10
16	«Металлург»	15	2	4	9	16-28	10

Расул ЖУМАЕВ.

МАДАНИЯТ

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

Қўшиқ санъатининг сирли ҳалқалари қадим-қадимдан садо бераётган оҳангларга бориб туташади. Бу оҳангларда қанча-қанча аждодларимизнинг гоҳ мунгли, гоҳо шодон кайфиятлари муҳрланиб қолган. Йиллар ўтиб эса улар жам бўлиб, эзгу куйларга, қўшиқларга айланган. Зеро, қўшиқ – халқнинг руҳи, қалб чироғи, эзгуликка ундовчи, олис манзилларга даъват этувчи, вужудни уйғотувчи илоҳий садо.

Шу боис ҳам у ҳамма замонларда инсоннинг садоқатли ҳамроҳи бўлиб келган. Кўнгил боғларини обод қилган, орзу-хаёлларга қанот бағишлаган, армон ва ғусса кўчаларида ёлғиз ташлаб кетмаган. Чорасизга нажот, дардманга дармон бўлган ҳам қўшиқ.

Қўшиққа айланган сўз Ватанни, миллатни, эътиқоду иймонни ҳимоя қилади. Ҳофизларимизнинг ўтли нафаслари, жарангдор овозлари ана шундай қудратга эга. Сўз ва соз бир бўлиб янграр экан, бу янгроқ овоз мамлакат сарҳадларидан ошиб, Ватанни, миллат урф-одатларини, эзгу ишларни бутун дунёга овоза қилиб қўксимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради, юракни энг тоза туйғуларга ошно этади. Аслида қўшиқ зиммасига юклатилган масъулият ҳам шунда. У ҳар доим эзгуликни, покликни, ватанпарварликни, иймону эътиқодни куйлаши керак. Зарур бўлса, ҳайқириққа, даъватга, ишончга, ҳимояга айлана олиши лозим. Қўшиққа айланган сўз замирида мана шундай мақсаду маънолар бор. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида ташкил этилган ва босқичма-босқич ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалининг ҳарбий хизматчилар ўртасида бу қадар оммалашиб кетиши, унда юзлаб ҳаваскор қўшиқ шинавандаларининг иштирок этиши, улар учун Ватанимизни, мустақиллигимизни, миллий армиямиз куч-қудратини, демакки озод юртимизни, обод эртамизни куйлаш саодатли ишга айланиб бораётганлиги ҳам шунда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскардан тортиб, офицергача ҳур диёр манзараларини куйга солишаётгани, жўшиб куйлаётганлари боиси ҳам шунда. Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалининг якуний босқичини томоша қилаяпман-у, хаёлимда ана шундай мулоҳазалар ўтаяпти.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, шу билан бирга, умумармия қўшиқлари савиясини ошириш, шу бўйича янгидан янги қўшиқлар яратиш ишига профессионал ва ҳаваскор муаллифларни жалб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда Мудофаа вазирлиги тизимидаги округлар миқёсида ғолибликни қўлга киритган йигирмадан ортиқ номзод, ижодий жамоалар иштирок этдилар. Иштирокчиларнинг ижро маҳоратлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрлар хизмати бошлиғи, полковник Павел Макаров бошчилигидаги ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Танлов давомида халқимизнинг бугунги маънавий-руҳий ҳолатини, мустақиллик нашидаларини ифодаловчи, тингловчи қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини алангалатувчи қўшиқлар юзага чиқди. Ҳарбий хизматчилар орасидан ҳам янги номлар, янги истеъдодлар кашф этилди. Юраги туғилиб ўсган юртга бўлган меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим бу истеъдод соҳибларининг чиқишларини барча хушнудлик билан қарши олишди. Жумладан, кичик сержантлар Баҳодир Исломов, Фозилжон Тўрабоев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шерзод Шукуров, курсант Бердибек Очилов, оддий аскарлар Элёрбек Алиев, Дониёр Турсунов, Ойбек Сиддиқов, Қуролли Кучлар хизматчиси Ринат Ражаповлар ана шундай истеъдод соҳиблари. Уларнинг ижро маҳоратлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Бердибек Очилов Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик – муҳандислик билим юртида таҳсил олади. Унинг орзуси – келажакда офицерлар сафидан жой олиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш. Қўшиқчилик санъатига меҳри баланд бу йигит билим юрти миқёсида ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси ҳам. Бу гал у Умумармия қўшиқлар фестивалига саф қўшиқлари йўналиши бўйича Айше Умерова шеъри ва мусиқаси билан «Ўзбекистон офицерлари» қўшиғинини тайёрлаб келган.

–Танловнинг республика босқичига чиқиш мен учун шараф, – дейди биз билан суҳбатда Бердибек Очилов. – Куй ва қўшиққа ошуфта бўлмаган инсон дунёда топилмаса керак. Ундан ҳамма руҳий қувват олади, завққа тўлади. Энг асосийси, қўшиқ кишиларни янги-янги чўққиларни забт этишга чорлайди. Ҳарбийлик – фидойилик, шижоат, матонат талаб этиладиган касб. Бугун кўрик-танловда ижро этилган ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларнинг барчасида ана шундай юксак фазилатлар тараннум этилди. Агар қўшиқларимиз ҳакамлар ҳайъатига, томошабинларга манзур бўлаётган бўлса, биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз деб ўйлайман.

Оддий аскар Элёрбек Алиев ҳам қўшиқ айтишга ихлосманд ёшлардан бири. У эсини танибдики, мусиқа ва қўшиқ билан яшайди, ўлмас наволардан нафас олади. Танловда у лирика ва эстрада йўналиши бўйича «Ўзбек элим» қўшиғини ижро этиб, тингловчининг юрак торларини чертиб юборди. Мусиқанинг сўзга мутаносиблиги, ижро услубининг ўзига хослиги ҳам қўшиқнинг ютуқларидан бири, десак янглишмаймиз.

– Қўшиқ куйлашни энг севимли машғулотим деб биламан, – дейди у биз билан суҳбатда. – Шу боисдан ҳам бўш вақтларимда қўшиқ айтишни яхши кўраман. Шу билан бирга шеър ҳам ёзаман. Танловда ижро этган қўшиғимнинг шеъри ва мусиқасига ўзим муаллифман. Бугун биринчи марта катта саҳнага чиққаним учун ҳам бироз ҳаяжонландим. Лекин томошабинларнинг қарсаклари менга далда бўлди. Қўшиғим томошабинларга манзур бўлган бўлса, мен ўзимни бахтиёр деб биламан.

Ҳар қандай қўшиқ, энг аввало, матндан бошланади. Шеър жўн бўлса, қанчалик ёқимли мусиқа билан зийнатланмасин, қалбларни забт эта олмайди. Ушбу танловда таниқли шоирларимизнинг энг сара шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди. Айтиш жоизки, иштирокчилар ҳар бир қўшиқни юксак маҳорат билан ижро этдилар. Бу жиҳат ҳам ҳакамлар ҳайъатининг эътиборидан четда қолгани йўқ.

Ҳа, инсон ҳамиша кўнглининг тўрида бир беқиёс меҳрни туйиб яшайди. Бу дунёда бу меҳрнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, унинг қийматини ҳеч қандай баҳо билан ўлчаб бўлмайди. У энг бебаҳо ва шу билан бирга энг бетакрор бойлик. Бу – Ватан меҳридир.

Ватан! Она замин! Ота макон! Одамзод киндик қони тўкилган диёрни муқаддас билиб, шундай эъзозлайди. Ватанни танлаб бўлмайди, худди онани танлаб бўлмагандек. Шунинг учун ҳам Ватан, юрт ҳақида сўз кетганда фахру ифтихор билан ОНА ВАТАН деб кўкларга кўтарамиз ва шу тотли калимадан кўнглимизга равшанлик инади. У ҳақда қўшиқ куйлаганда эса, вужудимизда ажиб бир бахтиёрликни сезамиз.

Кўрик-танлов давомида ҳар бир иштирокчи ўз юрагидаги қўшиқни куйлади. Бу қўшиқларда муҳаббат ва садоқат билан бирга меҳр, вафо туйғулари ҳам тараннум этилди. Бу қўшиқларни эшитиб бир ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим: уларни тинглаган киши-хаёлида фақат эзгулик бўй кўрсатади, улар қалбни эзгуликка ошно қилиб, туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббат туйғусини янада алангалатади, юракларни сел қилади. Кўнгил бу садолардан, наволардан уйғонади, уйғонади-ю, шу куй сеҳрига мафтун бўлиб, у билан бир умр яшашга рози бўлади. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови йўналиши бўйича куйланган қўшиқларда ана шундай устунликни сезиш қийин эмас. Дарвоқе, ушбу танловда ҳаваскор ҳарбий хизматчилар билан бирга профессионал санъаткорларнинг иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар подполковник Шуҳрат Дадажонов, подполковник Марат Ҳакимов, кичик сержант Дониёр Қаршиевларнинг чиқишлари кўрик-танловга ўзгача, кўтаринки руҳ бағишлади. Улар ижросидаги ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар томошабинларнинг давомли олқишига сазовор бўлди.

Ниҳоят, кўнгилларга олам-олам сурур бағишлаган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивали якунланди. Ҳакамлар хайъати томонидан ғолиб ва совриндорлар эълон қилинди. Унга кўра, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ва Умумармия қўшиқлар фестивалининг профессионал ижодий жамоаларининг хонандалари томонидан ижро этилган ватанпарварлик қўшиқлари йўналиши бўйича биринчи ўрин подполковник Шуҳрат Дадажонов (Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли) га насиб этди. Ушбу кўрик танловнинг лирика ва эстрада йўналиши бўйича эса биринчи ўринни кичик сержант Фозилжон Тўрабоев, иккинчи ва учинчи ўринларни эса оддий аскар Элёр Алиев (Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти) ва Қуролли Кучлар хизматчиси Ринат Ражаповлар қўлга киритишди.

Умумармия қўшиқлар фестивалининг саф қўшиқлари йўналиши бўйича биринчи ўринга «Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним» қўшиғи ижрочиси кичик сержант Баҳодир Исломов, иккинчи ўринга кичик сержант Фахриддин Раҳимов, учинчи ўринга курсант Бердибек Очилов (Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик – муҳандислик билим юрти)лар лойиқ топилди. Ғолиб ва совриндорларга Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов қимматбаҳо совғалар, диплом ва Фахрий ёрлиқларни тантанали равишда топширди.

– Бугун жуда хурсандман, – дейди саф қўшиқлари йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритган кичик сержант Б. Исломов. –Ўтган йили Умумармия қўшиқлар фестивалида учинчи ўринни олган эдим. Бу йил эса икки поғона юқориладим. Тўғрисини айтсам, меҳнатим мана шундай юксак эътирофга сазовор бўлганидан бошим кўкка етди. Оиламиз санъаткорлар оиласи ҳисобланади. Шу боис санъаткорлик қонимизда бор, деб айта оламан. Отам шеър ёзади. Ўз даврида қўшиқ айтиб, куй бастalаган. Эсимни таниганимдан у кишининг танбурда қўшиқ хиргойи қилиб ўтирганини кўп бора кўрганман. Отамдаги бу истеъдод менга ҳам юққан. Ҳарбий қисмда клуб бошлиғи вазифасида хизмат қиламан. Ҳарбий хизматчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларга маънавий ҳордиқ улашиш мақсадида жуда кўп тадбирлар уюштирамиз. Ушбу тадбирларда доимий равишда ўз қўшиқларим билан иштирок этаман. Қўшиқ айтиш менга ҳузур бағишлайди.

– Жиянимнинг ютуғидан кўксим тоғдек кўтарилди, – дейди лирика ва эстрада йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби Фозилжон Тўрабоевнинг холаси Кимё опа. – Бу унинг ижодига берилган энг катта баҳо деб биламан. Танловни қизиқиш билан томоша қилдим. Унда иштирок этган ҳарбий хизматчиларнинг қўшиқ айтиш маҳоратларини кўриб қойил қолдим. Улар орасида ҳақиқий истеъдод соҳиблари жуда кўплигидан қувондим. Мен бугунги иштирокчиларнинг барчасига омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Ғолибларни тақдирлаш куни бўлиб ўтган гала-концерт кўрик-танлов иштирокчилари учун ўзига хос совға бўлди, десак янглишмаймиз. Мусиқий дастур давомида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари билан бир қаторда элимиз суйган санъаткорлар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ва рақслар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ҳ. МИРЗАЕВ, кичик сержант А. ОЧИЛОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 21700.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-77-14.